O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY MATBUOT PALATASI

ЎзХДП бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами манфаатини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган.

Бизнинг номзодларга овоз берсангиз, ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш ишларига ҳисса қўшган бўласиз!

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

● 2009-yil ● 12-dekabr ● Shanba ● 148-49 (30.109) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Куни кеча партия Марказий Кенгашининг Тошкент давлат шарқшунослик институти профессор ўқитувчилари ва талабалари билан ҳамкорликда ўтказган давра суҳбати «Маънавиятимизга таҳдид — ўзлигимизга ва келажагимизга таҳдид» мавзуида бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари мавзу юзасидан батафсил сўз юритдилар.

ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан



МАЪНАВИЯТИМИЗГА ТАҲДИД — КЕЛАЖАГИМИЗГА ТАҲДИД



Мухтасар АБДУРАҲМОНОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Мустақил фикрга эга бўлмаган, маънавияти мўрт ёшлар салбий кучлар тузоғига тез илинади. Шунинг учун ёшлар юксак маънавиятга эга бўлишлари, уларни жамиятдаги маънавий қадриятларни асраш, авайлаш руҳида тарбиялаш лозим. Аввало, шу ерда йиғилган ҳар бир ёш «Маънавият нима?» деган саволни ўзига бериб кўриши ҳамда унга ўз жавобини топиши керак, деб ўйлайман. Бугун «оммавий маданият» шаклидаги тажовузлар бир зум ҳам тўхтамаётган бир шароитда бу ўта долзарб ҳаётий масаладир.

Нозимахоним ХОЛИҚОВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, талаба:

— Маънавият ҳақида ҳар бир шахснинг ўз фикри бор. Шахсан мен, маънавиятни инсонда бир кун ёки бир йилда эмас, балки дунёга келган кунидан бошлаб шаклланиб борадиган туйғу, деб биламан. У шахсни ўз-ўзини англаш, қадриятларини, ота-боболари кимлигини тушуниб етиши ва шуни қадрлаб яшашидир. Агар биз шундай тарбия топсак ҳеч қачон ёт ғояларга чалғимаймиз.

Нурийман АБУЛҲАСАН, диний ишлар бўйича мутахассис:

— Бугунги суҳбатимизнинг асосий иштирокчилари ёшлар экан, мен бевосита ёшлар маънавияти ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. Бизга маълумки, ёшлар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хорижий тилларни ўрганишга жуда қизиқадилар. Бу яхши, албатта. Аммо, айрим ёшларнинг бу ҳаракати замирида чет элга чиқиб кетиш, ўша ерда ишлаб қолиб кетиш мақсади туради. Аслида, ўша моддий ва маънавий кучни, ўз билим ва истеъдодини ўз ватанида сарфлаб, шу ерда мустаҳкам илдиз отиш, ўз йўлини топиш мумкин-ку! Ҳозирда «оммавий маданият» деган тушунчага айрим ёшларимиз кўр-кўрона эргашмоқдалар. Гўёки, чет элда ҳаммаси жойжойида, кимдир нон ва туз билан уларни кутиб тургандек. Демак, ёшлар билан бирга ўқитувчилар, маҳалла-кўй, ота-оналар ҳам сиёсий-ҳуқуқий дунёқарашларини бойитмоқликлари, жамият ҳаётига дахлдор воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлмоқликлари лозим.



Муҳиба ҲАМИДОВА, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси:

— Маънавият тарбиянинг асосий қуроли ҳисобланади. Унинг емирилиши инсоннинг ўзлигига, келажагига таҳдиддир. Жамиятда беқарор вазиятнинг юзага келишига сабаб бўлади. Комил, билимли фарзандни, аввало, маънан етук аёл тарбиялайди. Жамиятимизда аҳолининг деярли ярмини аёллар ташкил этишини ҳисобга олсак, уларнинг онги уйғоқлиги, сиёсий-ижтимоий жараёнлардан хабардорлиги ва бу ҳақда ўз мустақил фикри, муносабатига эгалиги муҳим аҳамият касб этади. Чунки юрт эртаси бўлган фарзандга асосий тарбияни, аввало оила, она беради...

Мазкур тадбирда мавзу юзасидан яна кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди. Саволжавоблар бўлди. Мутахассислар ва ёшлар бундай масалалар юзасидан тез-тез учрашиб туришга келишиб олдилар.

Дилафрўз ЗАЙНИЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири. Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан жорий йил 13-14 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Муносабат

Конституциямизнинг 17 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда Юртбошимиз фарзандларимиз камоли ҳақида айтган ёруғ ва нурли фикрлар мени ҳаяжонлантириб юборди. Айниқса, янги йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши қалбимни ғурур ва фахр ҳисларига тўлдирди.

ЭЗГУ НИЯТЛАР ИФОДАСИ

Мен бир шифокор сифатида фарзандларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсиб-улғайишлари мамлакат учун, миллатимизнинг эртанги куни учун жуда муҳимдир.

Шукрки, кейинги йилларда юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида мисли кўрилмаган ўзгаришлар бўлди.

Қишлоқ ва шаҳарларимизда қад ростлаган замонавий шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктларини айтмайсизми? Яратилган ушбу шароитлар туфайли тиббий хизмат маданияти юксалиб, халқимиз саломатлиги мустаҳкамланиб бормоқда.

Узоққа бориб ўтирмасдан ўзим ишлаётган тиббиёт муассасасини олайлик. Мен ишга келган йилларда у пастқам, кўримсиз, таъмирталаб бинода жойлашган эди. Беморларга яратилган шароитлар, қулайликлар, ташҳис қўйиш ва даволаш учун ишлатиладиган тиббий асбоб-ускуналар ҳақида гапирмаса ҳам бўларди.

Бугунчи? Шифохонамизнинг ҳозирги қўш қаватли, замонавий биноси, ундаги қулайликлар, шарт-шароитлар, теварак-атрофнинг ораталигига ҳавасингиз келади. Шифокорларимиз замонавий тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланишаяпти. Ташҳис қўйиш, даволаш, соғломлаштириш жараёнлари тез, ишончли ва самарали амалга оширилмоқда. Бехатар оналик ва соғлом болаликни таъминлашга эришганмиз. Буни биргина шу йилнинг ўтган даврида бизда туғилган 4910 нафар чақалоқ ва уларнинг оналари ҳаммаси соғ-саломат эканлигининг ўзиёқ тасдиқлаб турибди.

Ҳа, ҳеч кимдан кам бўлмаган, соғлом, ақлли, ҳар томонлама бекаму кўст авлод бизнинг эртанги кунимиз, нурафшон келажагимизни белгилайди. Шу маънода олиб қараганимизда 2010 йилнинг мамлакатимизда «Баркамол авлод йили» деб номланиши болажон, болапарвар халқимиз дилидаги эзгу ниятларнинг ифодаси бўлди десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Демак, ҳар биримиз юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш борасида бундан-да самаралироқ ишлашимиз керак.

Мавлуда ЭГАМОВА, Республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказининг Жиззах филиали олий тоифали врачи.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловдаги

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

2-бет >

ХОРИЖЛИКЛАР ХАРИДОР


Жондор туманининг Жўйсафед қишлоғида фаолият кўрсатаётган «Жондормегатекстилсервис» масъулияти чекланган жамият ишлаб чиқараётган рангли момиқ сочиқ ва бўз маҳсулотлари билан хорижда танилиб улгурди.

Яқинда корхона жамоаси Иванова шаҳридаги ҳамкорларига 303,1 минг АҚШ доллари миқдорида рангли момиқ сочиқлар жўнатишди. Хорижлик харидорлар эътиборини тортаётган томони шундаки, МЧЖ маҳсулотлари дизайни ва пишиқлиги, сифати ҳамда арзонлиги билан ажралиб туради. Корхона раҳбари Саид Йўлдошевнинг айтишича, россияликларга йил охиригача яна 200 минг долларлик маҳсулот жўнатилади.

Доврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ 3-6

САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИНИ ТУЗИШ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА 7



ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА 8

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловдаги

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг дастурий мақсадларини, биринчи навбатда, Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар стратегиясининг ижтимоий устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашнинг бугунги босқичида амалга оширилаётган ўзгаришлар самарадорлиги, кўп жиҳатдан бутун халқнинг ушбу жараёнлар мақсад ва вазифаларини тўғри тушунишига боғлиқ. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фуқаролик жамияти қарор топишида муваффақиятга эришиш ва барқарор иқтисодий ривожланиш сиёсатининг сўзсиз шарти сифатида мамлакатда фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро, динлараро тотувлигини мустаҳкамлашда иштирок этишни ўзининг устувор сиёсий вазифаси деб билади.

Ушбу устувор йўналишларга мувофиқ, ЎзХДП фаолияти «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қоидаларига асосланган ҳолда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида **жамият ва давлатнинг алоҳида қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, ифодалаш ва ҳимоя қилишга** йўналтирилган.

Энг аввало, бу – иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган кишилардир. Шунингдек, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, имкониятлари чекланган одамлар ва пенсионерлар ҳам шулар жумласидандир. Шу билан бирга аҳолининг ночор қатламларига ижтимоий хизмат кўрсатувчи ҳамда уларнинг ижтимоий таъминотини амалга оширувчи бюджет соҳаси ходимлари ҳам ЎзХДПнинг доимий электорати ҳисобланади.

Ўзбекистон ХДП ушбу кишиларнинг ижтимоий манфаатларидан келиб чиқиб, давлат ҳокимияти сайланма органлари депутатлик корпусидаги ўз вакилларининг саъй-ҳаракатларини мамлакатдаги ижтимоий барқарорлик вазиятини янада мустаҳкамлаш, жамиятда фуқаролик хулқ-атвори стандартлари ва меъёрларини қарор топтириш, аҳолининг айрим қатламларида ҳамон давом этиб келаётган ижтимоий боқимандалик кайфиятларини тўлиқ ва узил-кесил енгиб ўтиш учун қаратишга тайёр.

Ушбу мақсадлар йўлида Ўзбекистон ХДП 2010-2015 йилларда ўз саъй-ҳаракатларини дастурий фаолиятининг устувор йўналишлари деб ҳисоблаган қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратади:

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРГА — ИЖТИМОИЙ САМАРАДОРЛИК

Ўзбекистон ХДП Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва жойлардаги ҳокимият вакиллик органларидаги ўз вакиллари орқали **давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизнинг ўсиб бораётган иқтисодий салоҳиятидан аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан, унинг кам таъминланган гуруҳлари турмуш даражасини яхшилашда фойдаланишга қаратилган сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.**

Партия қўшимча ижтимоий ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган кишилар сафининг босқичма-босқич камайиб боришини жамият фаровонлиги ўсишининг асосий кўрсаткичларидан бири деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ХДП иқтисодиётда бозорнинг чексиз ҳукмронлиги тўғрисидаги ғояларга қаршидир. Бозор иқтисодиёти танланган йўлга мувофиқ, хусусий манфаатларга эмас, балки ижтимоий йўналтирилган ва жамият манфаатларига хизмат қиладиган бўлиши лозим.

Партия аҳоли кўпчилигининг манфаатларини кўзлаб, иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли мақсадларини танлашда ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг бошқарувчилик ролини мустаҳкамлашни стратегик устувор вазифа сифатида эътироф этади.

Ўзбекистон ХДП ўзининг сиёсий манфаатларини 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури ва инқироздан кейинги инновацион ривожланишнинг қатор устувор вазифаларини амалга ошириш билан боғлайди. Булар:

— аҳолининг реал даромадлари ортишини кафолатлайдиган барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш;

— қўшимча равишда янги барқарор, юқори ҳақ тўланадиган иш ўринлари ташкил этиш;

— ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқариладиган сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлар билан етарлича таъминлаш;

— аҳолига юқори даражали, мақбул ижтимоий ва коммунал хизмат кўрсатишни таъминловчи юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришга мутаносиб замонавий инфратузилмани ривожлантириш.

Партия бу каби муҳим ижтимоий вазифаларни ҳал этишга фаол кўмаклашиб, жойларда уларнинг изчил бажарилишига ҳар томонлама ҳаракат қилади. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ижро қилинишидаги фаол иштирокини таъминлаш — ЎзХДПнинг келгуси даврдаги стратегик сиёсий вазифаси ҳисобланади.

Ушбу масалаларда партия шиори:

Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси юртимиз иқтисодий равнақига кўмаклашиши шарт!

МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳоли заиф қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни қўллаб қувватлайди ва шу мақсадда:

— соғлиқни сақлаш, маданият, уй-жой-коммунал хўжалиги хизматларини кўрсатиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий таъминот соҳасида давлат минимал ижтимоий стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ташаббуси билан чиқиш;

— ўз томорқаларида ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган ҳамда касаначилик билан шуғулланаётган аҳолини меҳнат дафтарчалари, тегишлича аҳоли учун ёш бўйича белгиланган пенсия билан таъминлаш тўғрисида қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилишига кўмаклашиш;

— муҳим ижтимоий дастурларни ва аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлиги даражаси ошишида ижтимоий институтларнинг фаол иштирок этишини рағбатлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилишига кўмаклашиш;

— ижтимоий соҳадаги юқорида айтиб ўтилган вазифаларни амалга оширилишини таъминловчи янги меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ташаббуси билан чиқиш ниятидадир.

Ушбу масалаларда партия шиори:

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари ижтимоий ҳимоясига — устуворлик!

ОДАМЛАРНИНГ ЯНАДА ФАРОВОН ЯШАШ УЧУН МЕҲНАТ ҚИЛИШГА ИНТИЛИШИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНСИН

Ўзбекистон ХДП қонунчилик томонидан берилган имкониятдан фойдаланиб, қуйидаги масалалар бўйича чоралар кўрилишига кўмаклашади:

— меҳнат ресурслари ривожланиши ҳамда иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва бошқа тармоқларида уларга бўлган эҳтиёжни ўрта муддатли ва узоқ муддатли прогнозлаштириш тизимини такомиллаштириш;

— минтақалар иқтисодиёти, ижтимоий инфратузилмаси ва меҳнат ресурсларини мувозанатли комплекс ривожлантиришнинг ўртача муддатли инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш асосида бандлик борасидаги минтақавий сиёсат самарадорлигини янада оширишни таъминлаш;

— аҳоли бандлиги борасидаги давлат ва ҳудудий дастурлар ижросининг самарадорлигини иш ўринларини кўпайиши ва иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг ўсиши кўрсаткичлари асосида баҳолашга ўтиш;

— қўшимча иш ўринлари яратаётган корхоналарга солиқ, молиявий имтиёзлар ҳамда бошқа енгилликлар берилишига эришиш;

— хотин-қизларни иш билан таъминлаш, шу жумладан касаначилик шаклларида меҳнатини ташкил этишнинг қонун билан белгиланган кафолатларини янада ривожлантириш;

— давлат ва хўжалик бошқаруви маҳаллий органлари ҳамда мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарнинг, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инобатга олган ҳолда, аҳолини, шу жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ иш билан тўлиқ таъминланиши учун масъулиятини ошириш механизмларини ишлаб чиқиш ва қонун билан мустаҳкамлаш;

— янгидан ташкил этилаётган иш ўринларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўртача даражаси ушбу ҳудуддаги аҳолининг ўртача иш ҳақига мувофиқ бўлишига эришиш.

Ўзбекистон ХДП қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш ва қишлоқ аҳоли пунктларида замонавий ижтимоий инфратузилмани яратиш бўйича мамлакатда амалга оширилаётган ишларнинг хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш орқали аҳоли бандлигини оширишга қаратилган чоралар билан бир вақтда олиб борилишини муҳим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ХДПнинг фикрича, янгидан ташкил этилаётган иш ўринларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўртача даражаси ушбу ҳудуддаги аҳолининг ўртача иш ҳақига мувофиқ бўлишига эришиш — меҳнатга лаёқатли аҳолининг муҳим ижтимоий кафолатидир.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш мақсадида ЎзХДП Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига, «Ўзбекистон Республикасида аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ҳамда меҳнат муносабатлари, иш билан бандлик, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ходимларнинг ижтимоий суғуртаси масалаларини тартибга соладиган бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ташаббуси билан чиқиш ниятида.

Ушбу масалаларда партия шиори:

Ишга лаёқатли ҳар бир фуқаро ўз оиласи ва Ватан равнақи учун меҳнат қилиши лозим!

ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ — ЮҚОРИ СИФАТЛИ ВА БАРЧА УЧУН МАҚБУЛ БЎЛСИН

Ўзбекистон ХДП ҳокимиятнинг барча даражалардаги вакиллик органларида ўз вакилларига кўрсатилган ишончдан фойдаланиб:

— тегишли давлат қарорларида назарда тутилган аҳолининг тиббий суғуртаси тизимини босқичма-босқич ташкил этишни якунига етказиш;

— оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини оширишга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш;

— олий таълим муассасаларида корхоналарнинг буюртмаси бўйича тўлов-шартнома асосида мутахассислар тайёрлаш амалиётини кенгайтириш;

— ёш оилаларга, шунингдек, чекка аҳоли пунктларида ишлаётган ўқитувчилар ва тиббиёт ходимларига уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун имтиёзли қарз маблағлари ҳамда кредитлар ажратишнинг ҳуқуқий асосини яратиш;

— қишлоқ ёшларининг олий педагогика, тиббиёт ва бошқа ўқув муассасаларига кириши учун шарт-шароитлар яратиш;

— қишлоқ ҳудудларида уй-жой қуришни кенгайтириш, намунали лойиҳалар бўйича янги қурилган якка тартибдаги уй-жой қуриш учун имтиёзли кредитлар бериш жараёнида ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар ҳуқуқини муҳофаза қилиш борасидаги давлат қарорларининг жойларда бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга кўмаклашиш.

ЎзХДП «Фуқароларнинг мажбурий тиббий суғуртаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш, шунингдек, «Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ҳамда соғлиқни сақлаш, таълим ва аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишнинг бошқа турли шаклларини тартибга соладиган қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ташаббуси билан чиқиш ниятида.

Ушбу масалаларда партия шиори:

Фуқаро давлатнинг равнақи учун қайғуради, давлат фуқаронинг фаровонлиги учун ғамхўрлик қилади!

ИЖТИМОИЙ МАҚБУЛ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРНИНГ ЮҚОРИ СИФАТЛИ БЎЛИШИ УЧУН

Ўзбекистон ХДП ҳокимиятнинг сайланма органларидаги ўз вакилларига таяниб, қуйидагиларга эришиш учун ҳаракат қилади:

— қишлоқ аҳолисининг уй-жой – маиший шароитларини шаҳар даражасигача етказиш бўйича қабул қилинган давлат қарорларининг самарали бажарилишини таъминлаш учун давлат маҳаллий ва хўжалик бошқаруви органлари, коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жавобгарлигини ошириш;

— уй-жойларни сақлаш ва улардан фойдаланиш учун хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати аъзоларининг мустақиллиги ва масъулиятини ошириш;

— соҳада рақобат муҳитини ривожлантириш, шу жумладан энергиянинг муқобил ва тикланадиган манбаларини ҳамда ресурсларни тежайдиган технологияларни қўллашга ўтиш ҳисобига коммунал хизматлар таннархи пасайтирилиши ва тарифларнинг тегишлича барқарорлаштиришни таъминлаш;

— турар-жой фондини тегишли ҳисобга олиш асбоблари билан жиҳозлаш ҳақидаги давлат қарорларининг маҳаллий бошқарув органлари ва коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар томонидан бажарилишининг назоратини кучайтириш;

ЎзХДП аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан ҳуқуқни қўллаш амалиётининг доимий мониторингини олиб боради.

Ўзбекистон ХДП, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига, «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ташаббуси билан чиқиш ниятида.

Ушбу масалаларда партия шиори:

ЎзХДП уй-жой-коммунал соҳада ижтимоий масъулиятли рақобат муҳитини яратиш тарафдори!

УСТУВОР ИЖТИМОИЙ ДАСТУРЛАР БАЖАРИЛИШИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИЛСИН

Ўзбекистон ХДП «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг ҳуқуқий механизмларига таяниб, давлат ҳокимиятининг сайланма органларидаги ўз вакиллари орқали қуйидагиларга эришишга интилади:

— мамлакатда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг норматив асосини ташкил этадиган давлат қарорларининг жойларда аниқ ижро этилиши юзасидан давлат бошқаруви маҳаллий органлари ходимлари масъулиятини ошириш;

— аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ва гуруҳларини аниқ тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлашни назарда тутадиган мақсадли давлат дастурлари бажарилиши устидан парламент ва жамоатчилик назорати тизимини такомиллаштириш;

— «Қонунлар ва бошқа давлат қарорлари ижросининг жамоатчилик мониторинги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

Ушбу масалада партия шиори:

Биз — барча учун мажбурий бўлган қонунлар тарафдоримиз!

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ МУЛОҚОТ ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАШҚИ СИЁСАТ УЧУН

Ўзбекистон миллий манфаатларимизга асосланган, мувозанатли ташқи сиёсатни амалга оширмоқда. Ушбу сиёсат жаҳонда адолатли сиёсий ва иқтисодий тартиб ўрнатиш, Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, қўшни Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга йўналтирилган. Партия Ўзбекистоннинг БМТ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлардаги фаолият доирасида ушбу масалаларни ҳал қилишдаги самарали иштирокини давом эттириш тарафдори.

Партиямиз бундан буён ҳам Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳалардаги муносабатлари ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик, тенг ҳуқуқли мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик ва бошқа умумэътироф қилинган халқаро ҳуқуқий тамойилларга асосланишини ёқлайди.

ЎзХДП халқаро ташкилотлар ва донор тузилмалари билан аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламлари, болалар, жисмоний имкониятлари чекланган шахслар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш бўйича ҳамкорликни янада ривожлантиришни муҳим деб билади.

❖❖❖

Сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашига эришиш учун мамлакатимиздаги бошқа партиялар билан соғлом рақобат курашида ғалабага интилаётган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қонунчилик палатасида муносиб ўрин эгаллаш ниятидаки, бу нуфузли парламент фракциясини ташкил этиш имконини беради. Шу билан бир қаторда, партиямиз давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларида етакчи ўрин эгаллаш учун ҳам курашмоқда.

Бу ўз навбатида, давлат ҳокимиятининг сайланадиган органлари ишида фаол иштирок этиш орқали партия дастурий мақсадларини амалга ошириш ва Ўзбекистон ХДПнинг партия электорати манфаатларига хизмат қилувчи қонунлар ва бошқа давлат қарорларини қабул қилиш ва самарали бажарилишини таъминлашга таъсир кўрсатиш имконини беради.

ЎзХДП — бу ўзаро ҳурмат, фуқаролик ташаббуси ва янги бунёдкор ғоялар партияси! Бизга овоз беринг!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ҒАЙРАТ БЕКНАЗАРОВ

(34-Навоий сайлов округи)



1973 йилда Навбаҳор туманида туғилган. Тошкент давлат университетининг фалсафа факультетини, Тошкент молия институтининг молия ва кредит иши мутахассислиги бўйича тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини Навбаҳор туманидаги 23-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Кейинчалик Марказий банк Навоий вилоят бош бошқармаси ахборотлаштириш маркази, электрон почта бюросида техник, етакчи мутахассис бўлиб ишлаган. 1997-2007 йилларда «Ўзсаноатқурилишбанк» Навоий минтақавий филиалида банк маълумотларини ҳимоялаш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича бош мутахассис, кредитлаш ва инвестиция тармоқларини таҳлил қилиш бўлими етакчи мутахассиси, жамғарма амалиёти мижозлар билан ишлаш бўлими бошлиғи, Халқ банки вилоят филиали раҳбарининг биринчи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган. 2007 йилдан «Ўзсаноатқурилишбанк» Навоий филиали раҳбари.

Ғайрат Бекназаров қишлоққа енгил саноатни олиб кириш, барча қишлоқларда мини банклар, банкларнинг шохобчаларини ташкил этиш масаласини долзарб, деб ҳисоблайди. Чунки, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолига банк хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш, ижтимоий тўловларни етказиб беришдаги муаммоларни ўз вақтида бартараф этишда бу муҳим аҳамиятга эга.

— Шунинг билан бирга, ЎзХДП электорати манфаатлари ҳимоясини кучайтириш учун иқтисодий ўсишнинг муддатли мақсадларини танлаш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш зарур, — дейди у. — Агар сайловчилар ишончини қозониб, депутат этиб сайлансам, айнан шу мақсадга асосланган аҳолининг реал даромадлари ортишини кафолатлайдиган барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, барча ишлаб чиқариш тармоқларида янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолига юқори даражали ижтимоий хизмат кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Юртимиз иқтисодий равнақига ҳисса қўшиш асосий мақсадимдир.

АҲАД АҲМЕДОВ

(35-Қизилтепа сайлов округи)



1964 йилда Пахтачи туманида туғилган. Тошкент политехника институти (ҳозирги техника университети)ни тугатган. Мутахассислиги — қурувчи-инженер.

Меҳнат фаолиятини Навоий қурилиш бошқармасига қарашли ишлаб чиқариш корхонасида кичик чилангарликдан бошлаган. Етакчи чилангар, кейинчалик «Навоийгаз» корхонасининг муҳандиси сифатида фаолият кўрсатган. 1988-1992 йилларда «Навоийгаз» корхонасининг газ хўжалигидан фойдаланиш бўлими устаси, вилоят газ бошқармаси юқори босимли газ қувурларидан фойдаланиш бўлими бошқарувчиси лавозимларида ишлаган. 2006 йилдан «Ўзбекнефтигаз» Миллий холдинг компанияси, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси, «Ғарбгазтаъминот» унитар корхонасининг Навоий вилояти шаҳар ва тумангаз филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи.

— Янги шаклланадиган парламент олдидаги энг муҳим вазифалардан бири мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли, оламшумул ишлар изчиллигини таъминлашга хизмат қиладиган қонунларни янада такомиллаштиришдан иборат, дейди у.

— Агар депутат этиб сайлансам, менда қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнларида бевосита иштирок этиш, қонунчилик ташаббуси билан чиқиш, парламент сўрови юбориш ҳуқуқи пайдо бўлади. Бундан самарали фойдаланиб, қишлоқ аҳолисининг уй-жой, маиший шароитларини шаҳар даражасига етказишга қаратилган саъй-ҳаракатларни фаол қўллаб-қувватлаб, шу соҳадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш учун курашаман.

Мазкур йўналишда қабул қилинган қонунлар, давлат қарорларининг самарали бажарилишини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун маҳаллий давлат ва хўжалик бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналарнинг масъулияти ҳамда жавобгарлигини кучайтириш талаб этилади. Шундай экан, парламент назорати институтидан самарали фойдаланиш зарур, деб ўйлайман.

Бундан ташқари, электр энергияси, табиий газ етказиб бериш қийин, кўп харажат талаб этадиган ҳудудларда муқобил энергия турларидан фойдаланиш масалаларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш партиямиз электорати манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ҳам ташаббуслар билан чиқмоқчиман.

ШОКИРИДДИН ИСКАНДАРОВ

(36-Зарафшон сайлов округи)



1967 йилда Нурота туманида туғилган. Тошкент политехника институти (ҳозирги техника университети)ни тамомлаган. Мутахассислиги — геолог-инженер.

Меҳнат фаолиятини «Қизилқумгеология» қидирув экспедициясида бошлаган. 1991-2008 йилларда Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли «Мурунтов» конининг тоғ ишчиси, чилангари, «Самарқандгеология» ТҚК Қизилқум қидирув экспедицияси таъминот бўлими бошлиғи, умумий масалалар бўйича бошлиқ ўринбосари, «Кокпатас» геология қидирув экспедицияси бош муҳандиси лавозимларида ишлаган. 2008-2009 йилларда давлат Зарафшон геология қидирув экспедицияси тоғ корхонаси геология қидирув экспедицияси бошлиғи ўринбосари, айни пайтда экспедиция бошлиғи вазифаларини бажарувчи.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастури, сиёсий позициясидан келиб чиқиб, чўл ва ярим чўл зонасида, олис Қизилқум кенгликларида истиқомат қилаётган кишилар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши керак деб ҳисоблайман, — дейди у. — Ҳаммамизга маълумки, Қизилқум нодир қазилма бойликлар, жумладан, маъданлар, қимматли хомашёга жуда бой. Излаш вақтида ер остидан чиққан тош-тупроқ жинслари чўлга тўкилмоқда, бунинг натижасида эса туя ва йилқичиликка, қоракўлчиликка зиён етмоқда. Шу боис қазилма, ер ости ва ер усти бойликларидан фойдаланиш ишларини такомиллаштириш, самарадорлигини янада ошириш қаратилган қонун ҳужжатларини кучайтириш эҳтиёжи сезилмоқда. Қидирув экспедициясидан табиий бойликларни қазиб олишгача бўлган ишлар аниқ режа асосида, атроф-муҳитга зарар етказмайдиган тарзда ташкил этилиши керак, деб ҳисоблайман.

Агар сайловчилар мени депутатликка муносиб кўришса, булардан ташқари, тоғ-кон саноати ходими, геолог-муҳандис сифатида, аввало, чўл ва чўлликлар муаммоси, кон изловчилар турмуш тарзини яхшилашга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишида ташаббускор бўламан.

ШАҲЗОДА АБДУЛЛАЕВА

(37-Хатирчи сайлов округи)



1964 йилда Каттақўрғон туманида туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тугатган. Мутахассислиги — тил ва адабиёт ўқитувчиси. Педагогика фанлари доктори, профессор.

Меҳнат фаолиятини 1987 йилда Муборак шаҳридаги 2-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1989-1994 йилларда Муборак шаҳридаги индустриал-иқтисод техникумида тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, кейинчалик Муборак шаҳридаги бизнес мактабида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимларида ишлаган.

1997 йилдан Навоий давлат педагогика институтида психология кафедраси ўқитувчиси, Навоий давлат кончилик институтида ижтимоий фанлар кафедраси доценти сифатида фаолият кўрсатган. 2002 йилдан Навоий давлат педагогика институтининг педагогика кафедраси мудири, айни пайтда институтнинг педагогика факультети декани.

— Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламига олий ўқув юртларида шартнома-тўлов асосида ўқийдиган талабалар ҳам киради, — дейди у. — Улар орасида «аъло» баҳоларга ўқийдиган талабалар кўпчиликни ташкил этади. Лекин улар «аъло» ўқишларига қарамай шартнома-тўлов пулини ўқув юртини тугатгунча тўлашади. Шу боис билимли ёшларни рағбатлантирадиган ҳуқуқий меъёрлар белгиланиши керак, деб ҳисоблайман. Билимли, ташаббускор, ижодкор ёшларни рағбатлантириб бориш орқалигина етук бакалаврлар, магистрлар тайёрланади.

Фарзандини ўқишга жўнатган ота-онанинг кўнгли тинч бўлиши учун у пойтахтимизда Президентимиз ташаббуси билан қайта қурилган талабалар турар жойларида яшаши лозим. Юртимиздаги талабалар уйларининг ҳаммасида шундай шароитлар яратилган, деб бўлмайди. Қишлоқлардан келиб ўқиётган талабалар яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланиши тарафдориман.

Педагогик ва ҳаётий тажрибамдан шундай хулосага келганман — халқимизга холис хизмат қилиш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Бунда халқ ноибининг бурчи ва масъулияти каттароқ бўлишини ҳис қилиб турибман. Лекин сайловчиларимни ишонтираманки, агар депутатликка муносиб кўрсангиз, юртимизда кенг амалга оширилаётган таълим-тарбия ислоҳотларини янада чуқурлаштирадиган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишида фаол иштирок этаман.

РАЪНО ВАЛИЕВА

(38-Нурота сайлов округи)



1959 йилда Қизилтепа туманида туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалиги институти (ҳозирги аграр университет)ни тугатган. Мутахассислиги — ҳосилот-агроном.

Меҳнат фаолиятини Қизилтепа туманидаги давлат хўжалигида механизаторликдан бошлаган. Раис ўринбосари бўлган. 1992 йилдан энтемолог-агроном, пиллачилик агрономи бўлиб ишлаган. 2004 йилдан «Валиобод» фермер хўжалиги раҳбари.

Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Мамлакатимизда бугун ҳар бир соҳа жадал ривожланмоқда, - дейди у. — Биздан бу жараёнларда фаол иштирок этиш талаб этилади.

Янги ўзлаштирилган қўриқ ерларда деҳқончиликни йўлга қўйишга эришдик. Сув тақчиллиги, саратон гармселларига қарамай, юқори ҳосил — пахта ва ғалла етиштирилмоқда. Демак, одам аниқ мақсад билан тинмай ишласа, меҳнат қилса, барча мақсадига эришиши мумкин.

Бугун қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган аҳоли юртимизда аграр соҳа, қишлоқ хўжалиги тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Шундай экан, қишлоқ хўжалигида банд бўлган кишилар манфаатини ҳимоялаш бўйича қонунчиликни кучайтириш зарур, деб ҳисоблайман.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар, вақтинча ишсиз хотин-қизларга кўмак беришнинг аниқ механизмларидан бири касаначилик, хусусан, каштачилик, чиннисозлик каби халқ ҳунармандчилигини янада ривожлантириш зарур .

Шунинг билан бирга, янги ташкил этилаётган иш ўринларида меҳнатга ҳақ тўлаш даражасини ошириш масаласи ҳам жуда муҳим. Бугун кўплаб хўжалик юритувчи субъектларда бўш иш жойлари мавжуд. Аммо кўпчилик у ерга боришни хоҳламайди. Сабаби, маош миқдори оз. Бизга номига иш жойи эмас, юқори даражали, одамлар ўзи ва оиласи фаровонлигини таъминлашига етарли даражада ҳақ тўланадиган барқарор даромад манбалари зарур. Бунга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун мукаммал қонунлар яратиш, уларнинг ижросини сўзсиз ва самарали амалга ошириш талаб этилади. Депутат этиб сайлансам, маслакдошларим билан бирга ваколатларимиздан фойдаланиб, ана шундай масалаларни кўтариб чиқмоқчиман.

СУЛТОННАЗАР ПАЛВАНОВ

(105-Урганч сайлов округи)



1966 йилда Урганч туманида туғилган. Ҳозирги Тошкент аграр университетини тамомлаган. Мутахассислиги —иқтисодчи-бухгалтер.

Меҳнат фаолиятини 1987 йилда ширкат хўжалиги аъзолигидан бошлаган. 2001 йилга қадар тут-ипак наслчилик хўжалигида бош иқтисодчи, бош ҳисобчи, Хоразм вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида аудитор, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги Агротаҳлил аудиторлик компаниясида аудитор лавозимларида ишлаган. 2001 йилдан Урганч туманидаги «Паҳлавон» фермер хўжалиги раҳбари.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор.

Султонназар Палванов ҳақида гап кетганда ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, у меҳнат фаолияти давомида ўз мутахассислиги, аграр соҳада жуда катта тажриба тўплаган. Бу борадаги муаммолар, долзарб вазифалар нималардан иборат эканини яхши билади. Уларни ечиш, самарали ҳал этиш борасида ҳам ўз фикри, қарашлари, таклифлари бор.

Агар депутат этиб сайланса, ана шу тажрибаларидан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни ният қилган. Бундан ташқари, ҳар бир ишловчига унинг оиласи фаровонлигини таъминлаш учун етарли меҳнат даромадини кафолатлаш зарур, — деди у. — Бунинг учун меҳнатга қобилиятли аҳолининг унумли бандлигига меҳнат самарадорлигига эришиш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш зарур.

Мамлакат истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар билан тўлдиришга алоҳида эътибор қаратиш ҳам ишлаб чиқарувчилар, ҳам истеъмолчилар манфаатлари нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқда ишлаб чиқариш субъектларини ташкил этишни такомиллаштиришга оид қонун ва қонуности ҳужжатларни қайта кўриб чиқишга эҳтиёж туғилмоқда.

Аҳолининг кам даромадли, қисман меҳнатга лаёқатли қатламини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш тизимини ҳам такомиллаштириш зарур. Бунда ижтимоий жиҳатдан кўмакка муҳтож одамларга берилаётган ёрдам унинг иш топгунига қадар, соғлиғини тиклагунига қадар ёки меҳнат фаолиятига қайтгунига қадар бўлиб, бокимандалик кайфиятини келтириб чиқармаслиги шарт.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

УЛУҒБЕК ҚУВАҚОВ

(106-Боғот сайлов округи)



1970 йилда Боғот туманида туғилган. Тошкент молия институти, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини тугатган. Бухгалтерия ҳисоби, давлат бюджетини бошқариш соҳаси мутахассиси.

Меҳнат фаолиятини 1993 йилда Боғот туманидаги жамоа хўжалигида иқтисодчиликдан бошлаган. 1994-2001 йилларда туман давлат солиқ инспекциясида катта давлат солиқ инспектори, бош давлат солиқ инспектори, инспекция бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатган. 2001 йилдан Боғот туман молия бўлими мудири.

Солиқ, молия тизимида ўн беш йилдан кўпроқ вақт мобайнида ишлаб келаётган ёш, изланувчан, талабчан мутахассис — Улуғбек Қувақовнинг соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ЎзХДП электорати манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш юзасидан ўз фикри, таклифлари бор.

— Хорижий давлатларда солиқ идораси ходимларининг тўқсон беш фоиз иш вақти солиқ ва бошқа тўловларни қабул қилиш, қайд этиш билан ўтади, — дейди депутатликка номзод. — Улар фақат беш фоиз иш вақтини солиқ тўловчилар ҳузурига бориш, тўловларни ундириш, маслаҳатлар бериш билан ўтказадилар. Бизда эса бу ҳолат бироз мураккаб. Тўғри, сўнгги йилларда фуқароларнинг ҳуқуқий билимдонлиги сезиларли даражада ўсди. Бунга қабул қилинган ва амалда бўлган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар мустаҳкам замин яратди. Аммо, айрим жойларда эътиборсизлик мавжудлигича қолмоқда. Бунинг натижасида пенсионер ўз пенсиясини вақтида ололмаслиги, муҳим бунёдкорлик ишлари оқсаши мумкин. Демоқчиманки, солиқ ва молия тизимига доир айрим қонун ҳужжатларининг мажбуриятлар қисмларига ўзгартишлар киритиш, солиқ тўловларни кечиктирувчиларга маъмурий жавобгарликни, солиқ тўлаш маданиятини ўргатиш, кучайтириш лозим.

Коммунал ва бошқа истеъмол турлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида ҳам муаммолар бор. Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги ҳуқуқий мажбуриятлар — меъёрий ҳужжатлар самараси пастлиги бу ҳолга сабаб бўлмоқда. Аҳолига электр энергияси, табиий газ етказиб беришда ҳам муаммолар пайдо бўлади. Зарарини яна одамлар кўради. Менимча, мазкур масалаларни ҳал қилиш учун мавжуд меъёрий ҳужжатлар — қонунларга ўзгартиришлар киритиш лозим. Депутат этиб сайлансам, партиямиз электорати манфаатлари билан бирга, ана шу мақсадлар учун курашаман.

ҲАЙТГУЛ ЎРАЗБАЕВА

(107-Гурлан сайлов округи)

1962 йилда Гурлан туманида туғилган. Ҳозирги Тошкент давлат педагогика университетини тугатган. Мутахассислиги — математика ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини 1985 йилда ўрта мактабда ўқитувчилиқдан бошлаган. 2003 йилдан Янгибозор туманидаги 12-мактаб директори. Халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгаши депутати.

У раҳбарлик қилаётган таълим даргоҳи таълим-тарбия соҳаси бўйича энг илғор мактаблар қаторидан ўрин олди. Депутат сифатида Чўболончи қишлоғи «Дўстлик», «Олтин кўл» маҳаллаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига бош-қош бўлди. Мазкур маҳаллаларнинг 100 дан ортиқ хонадонларини газлаштиришга амалий ёрдам берди.

Ҳайтгул Ўразбаева бутун онгли ҳаётини ёш авлод тарбиясига бахшида қилаётган тажрибали ўқитувчи, устоз. Агар у



Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат этиб сайланса, халқ таълими соҳасини янада ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор ечимини кутаётган масалаларни ҳал қилишга қаратилган қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишига ҳисса қўшиш ниятида. Бундан ташқари:

— Қишлоқ жойларида ишсизлик муаммоси мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди, — дейди у. — Бу эса ўз навбатида айрим устамонларнинг фуқароларни алдаб, хорижга олиб кетишлари, ҳаққини бермасдан ишлатиш каби нохуш ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Бу эса нафақат баъзи ижтимоий-иқтисодий муаммоларни туғдирмоқда, балки бола тарбиясига ҳам жуддий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда чет элга чиқиб ишлаш чегараланмаган. Аммо, ана шу жараённинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш зарур. Хорижда ишловчиларни рўйхатга олиш, тайёргарликдан ўтказиш, тил ўргатиш билан шуғулланадиган ташкилотлар фақат минтақалар бўйича фаолият юритаяпти. Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг Нукус ва Бухоро шаҳарларида бўлимлари ишлаб турибди. Хоразмлик ёшлар юзлаб чақирим йўл босиб шу шаҳарларга оддий маълумот, маслаҳат олиш учун боришга мажбур. Бу ташкилотнинг ҳар бир вилоятда бўлимини ташкил қилишга талаб ва эҳтиёж борлиги кундек равшан. Шуларни ҳисобга олиб «Миграция тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш вақти келди, деб ўйлайман. Бу тажриба жаҳоннинг ривожланган давлатларида амалда мавжуд ва ўз самарасини бермоқда.

БЕГМАТ НУРМЕДОВ

(108-Ҳазорасп сайлов округи)

1956 йилда Ҳазорасп туманида туғилган. Ҳозирги Тошкент педиатрия тиббиёт институтини тамомлаган. Мутахассислиги — врач-педиатр.

Меҳнат фаолиятини 1984 йилда Хонқа шаҳридаги 2-вилоят шифохонасида шифокор-педиатр сифатида бошлаган. 1985-1987 йилларда Ҳазорасп туман Янгибозор қишлоқ врачлик амбулаториясининг шифокор-педиатри, 1987-1993 йилларда туман болалар поликлиникасининг шифокор-офтальмологи, поликлиника мудири, 1993-2004 йилларда марказий шифохона бош шифокори ўринбосари, бош шифокор лавозимларида ишлаган. 2004 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган.

Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси сифатида қўмита фаолиятининг самарадорлигини таъминлашда унинг ҳиссаси катта бўлди. Палата томонидан қабул қилинаётган қонунлар лойиҳаларини таҳлил қилиб, улар юзасидан ҳар доим ўз фикрини қатъият билан билдириб келди.

Депутатлик фаолияти давомида «Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига Еттинчи қўшимча баённомани (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги Битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши ҳақида», «Ишлатиб бўлинган ёқилғи билан муомалада бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги ва радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги ҳақидаги Бирлашган Конвенцияга (Вена, 1997 йил 5 сентябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини Қонунчилик палатаси ялпи йиғилишлари муҳокамасига олиб чиқди.

Умуман, ўтган беш йил давомида у депутат сифатида катта тажриба тўплади. Ўзининг қонун ижодкорлиги салоҳиятини кенг намоён этди.

— Агар яна сайловчилар



ишончини қозониб, янги муддатга сайлансам, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш жараёнларида фаол қатнашаман, — дейди у. — Бундан ташқари, қаровчисиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни даволаш-профилактика хизмати билан қамраб олишни кенгайтириш, саховат ва мурувват уйлари, санаторияларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш масалалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Оилалар ва айрим фуқароларнинг моддий ёрдам олишга эҳтиёжмандлигини аниқлашнинг ягона мезонларини қонунчилик даражасида белгилаш зарур, деб ҳисоблайман.

ИЛИМЖОН ЎТАРОВ

(109-Хонқа сайлов округи)

1953 йилда Хива шаҳрида туғилган. Тошкент политехника институти (ҳозирги техника университети)ни битирган. Мутахассислиги — электрон асбоблар муҳандиси, муҳандис-гидротехник.

Меҳнат фаолиятини Тошкент электрон заводида технологликдан бошлаган. 1977-1991 йилларда Урганч паррандачилик фабрикаси катта инженер-электриги, «Узводремстройэксплуатация» трестининг Хоразм кўчма механизациялаштирилган колоннасида бош муҳандис бўлган. 1991 йилдан 2009 йилгача «Сайёҳ-Интур» бирлашмаси Хоразм бўлими бошлиғи, «Хоразмимпекс» ташқи савдо фирмаси директори, вилоят Давлат мулк бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Хорижий сармоялар агентлигининг Хоразм вилоятидаги вакили, Бизнес фондининг Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон банклар ассоциацияси Универсал биржа марказининг Хоразм филиали директори лавозимларида ишлаган. 2009 йилдан бошлаб кўп тармоқли агросаноат биржасининг Хоразм филиали директори.

Халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши депутати.

— Мамлакатимизда бозор иқтисодига ўтиш жараёнида иқтисодий ва ижтимоий ислоҳатларни янада чуқурлаштириш каби долзарб муаммолар кун тартибида турар эди, — дейди у. — Бизнинг партиямиз ана шу мураккаб даврда ҳам аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, айниқса, қўллаб-қувватлашга муҳтож қатлам манфаатларини ҳимоя қилиш масаласини кўтарди. Бу қанчалар муҳим эканини, мамлакатимизда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Бугун эса бошланган ушбу ишларни изчил, оғишмасдан давом эттириш зарур.

Мамлакатимизни ҳар жиҳатдан тараққий эттириш, сайловчилар талаб-истакларига хизмат қилувчи, жаҳон андозаларига мос қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул



қилишда иштирок этиш депутатдан катта сиёсий билим, тажриба талаб қилади. Вилоятимизда агросаноат тармоғи иқтисодиётнинг таянчи, асосини ташкил этади. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда ишлаб чиқарилаётган хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириб сотиш, қулай, манфаатли бозорга эришиш энг муҳим масаладир. Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Бу борада янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Депутат этиб сайлансам, партиямиз сайловолди дастурида белгиланган вазифалар билан бирга, ушбу масалаларга ҳам эътибор қаратмоқчиман.

ГАВҲАР ДУРДИЕВА

(110-Хива сайлов округи)



1961 йилда Хива шаҳрида туғилган. Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтини битирган. Мутахассислиги — қурилиш муҳандиси. Техника фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини ўзи таълим олган институтнинг муаммоли илмий тадқиқот лабораториясида кичик илмий ходимликдан бошлаган. 1989-1998 йилларда катта илмий ходим, ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1998-2006 йилларда Хива туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, ҳоким ўринбосари, Хоразм Маъмун академияси илмий котиби вазифаларида хизмат қилган. 2007 йилдан мазкур академиянинг амалий ва инновация грантлари илмий раҳбари.

Юртимизнинг кўп минг йиллик тарихи, улуғ алломаларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган ва юксак баҳоланган.

Гавҳар Дурдиева Оролбўйи минтақасида тарихий-меъморий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш бўйича етук мутахассис сифатида бу борада олиб борилаётган ишларни қўллаб-қувватлаб, соҳада ечимини кутаётган муаммоларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Унинг «Хива шаҳридаги меъморий ёдгорликларни комплекс илмий тадқиқ қилиш ва уларнинг умрбоқийлигини таъминлашнинг конструктив ечимини ишлаб чиқиш» мавзусидаги докторлик диссертацияси ана шу кузатиш, ўрганишларнинг илмий хулосасидир.

— Тарихий обидаларни комплекс илмий-тадқиқ қилиш натижасида уларнинг техник ҳолатини баҳолаш ва шу аснода таъмирлашга истиқлолдан кейингина эътибор берилди, —дейди у. — Бу эса ўз навбатида мазкур соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштиришни талаб қилади.

Бу борада меъёрий ҳужжатлар-қонунлар қабул қилинган. Айни пайтда тарихий-меъморий обидалар юртимиз кўрки, фахригина эмас, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашнинг муҳим йўналиши бўлган халқаро туризм тармоғи орқали мўмай даромад манбаи ҳамдир.

«Туризм тўғрисида»ги қонун 1999 йилда қабул қилинган эди. Бу халқаро ҳуқуқий меъёрларга мос ҳужжат. Аммо, жаҳон бўйича глобаллашув жараёнининг тезлашгани, ўтган даврда рўй берган халқаро молиявий инқироз айрим қонунларга муайян ўзгартишлар киритишни тақозо этмоқда.

Туризмни ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки, ижтимоий, сиёсий нуқтаи-назардан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Сайёҳларга хизмат кўрсатиш соҳасида минглаб кишилар иш, барқарор даромад манбаи билан таъминланади. Бу эса партиямиз электорати манфаати учун ўта муҳимдир. Агарда депутат этиб сайлансам, айнан шу борадаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш устида ишлаган бўлардим.

ХАЙРУЛЛО РЎЗМЕТОВ

(111-Шовот сайлов округи)

1964 йилда Хива шаҳрида туғилган. Тошкент давлат юридик институтини битирган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос. Юридик фанлари номзоди, доцент.

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Ўзгидроводхоз лойиҳа институти ходимлигидан бошлаган. 1982-1985 йилларда ҳарбий хизматда, 1985-1986 йилларда 103-автотаъмирлаш базаси ходими бўлган. Сўнг ёшлар ташкилотида ишлаган. «Ўртоқ» фабрикаси юристи сифатида хизмат қилган. 1994-2003 йилларда Тошкент давлат юридик институтида аспирант, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент сифатида фаолият кўрсатган. 2003-2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси докторантурасида таҳсил олиб, «Ўзбекистонда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари» мавзусида илмий тадқиқот олиб борган. 2004 йилдан



Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг лойиҳа раҳбари.

Илмий-педагогик фаолияти давомида 40 дан ортиқ ўқув-услубий, илмий-оммабоп ишлари чоп этилган.


— Менинг сайловолди қарашларим партиямизнинг сайловолди сиёсий позициясига асосланган, — дейди у. — Биз сиёсий куч сифатида бозор иқтисодиёти даврида жамият ва давлатнинг алоҳида қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд қатлам манфаатларини ҳимоя қилишга киришганмиз. Бозор иқтисодиёти шароитида энг аввало, иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган, кўп болали оилалар, ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчилари, имкониятлари чекланган одамлар ва пенсионерлар кўпроқ ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлади.

Шунинг учун ҳам бу қатламни биз ўз электоратимиз, деб ҳисоблаймиз. Сайловчиларнинг ишончини қозониб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлсам, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланган партиядошларим сафида ўз саъй-ҳаракатларимни партиямиз электорати манфаати ҳамда мамлакатдаги ижтимоий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, жамиятда фуқаролик хулқ-атвори стандартлари ва меъёрларини қарор топтириш, аҳолининг айрим қатламларида ҳамон давом этиб келаётган ижтимоий боқимандалик кайфиятларини бартараф этиш учун курашаман.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

САДАТ ПАРМАНОВ

(112-Қарши сайлов округи)



1962 йилда Чироқчи туманида туғилган. Ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган. Мутахассислиги — товаршунос-иқтисодчи.

Меҳнат фаолиятини 1983 йилда Қарши шаҳар саноат моллари савдоси ташкилотида товаршуносликдан бошлаган. Кейин катта савдо нозири, ташкилий бўлим бошлиғи вазифаларида ишлаган. 1994-2000 йилларда «Чилонзор» жамоа-савдо ишлаб чиқариш фирмаси директори, 2000 йилдан «Чилонзор» савдо ишлаб чиқариш компанияси ва Қарши паррандачилик фабрикаси раҳбари.

Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати.

Садат Парманов савдо иқтисодини, уни ташкил қилишни чуқур ўрганди. Хорижий мамлакатлардаги савдо соҳасида юз бераётган янгиликлар билан танишиб борди. Шу боис Тошкентда савдо ташкилотини тузди. Унинг жонкуярлиги туфайли бу савдо ташкилоти кўп тармоқли компанияга айланди.

У яна бир хайрли лойиҳага қўл урди. Жамоаси билан келишиб, қарз ботқоғига ботган Қарши паррандачилик фабрикасини сотиб олиб, хусусийлаштирди. Фабрика таъмирланиб, энг замонавий ускуналар ўрнатилди, зотли паррандалар келтирилди. Паррандачилик фабрикаси қисқа фурсатда шаҳар ва атрофдаги туманларни тухум, парҳез гўшти билан таъминлашга катта улуш қўшди, иқтисодий жиҳатдан фойда келтира бошлади.

— Мен депутатлик вазифасини бажариш жараёнида амин бўлдимки, киши ўзи мансуб партия билан мустаҳкам алоқада ишланмаса, сайловчилар ишончини оқлаб бўлмас экан, — дейди у. — Шу боис партиямиз электорати манфаатига мос, халқимиз узоғини яқин қиладиган йўлларимизни янада яхшилашни дастуримга киритдим. Нега нохуш йўл ҳодисалари учраб турибди? Чунки йўл ҳаракати қоидалари ҳақидаги бир вақтлар қабул қилинган қонун эскирди, ундаги мавжуд қоидаларга ҳам тўла риоя этилмайди. Ахир, юртимиз ўзининг янги автомобиль корхоналарига эга бўлди. Менимча, йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида бутунлай янги қонун яратиш керак.

Депутат этиб сайлансам, шунингдек, партиямиз Дастури ва сайловолди платформасида белгиланган меҳнат билан банд аҳолининг меҳнатдан манфаатдорлигини кучайтириш, ўзи ва оиласи фаровонлигини таъминлай олиш даражасига етказишга оид янги ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишида ташаббускор бўламан.

ДИЛЛАРОМ УМАРОВА

(113-Бешкент сайлов округи)

1968 йилда Қарши туманида туғилган. Қарши давлат педагогика институтини тамомлаган. Мутахассислиги — ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини 1988 йилда Касби туманидаги 14-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1989-1999 йилларда Қарши туманидаги мактабда ўқитувчи, директор бўлиб ишлаган. 1999-2001 йилларда Қарши туман халқ таълими бўлимида мониторинг бўлими бошлиғи, 2001-2003 йилларда Қарши туманидаги Нуристон академик лицейида ўқув бўлими бошлиғи сифатида фаолият кўрсатган. 2003 йилдан Қарши туман ҳокими ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси. 2008-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Халқ депутатлари Қарши туман Кенгаши депутати.

— Қонунларимизда ҳоким ва маҳаллий Кенгаш ўртасидаги муносабатнинг ҳуқуқий мезонлари аниқ белгиланмаган, — дейди у. — Мамлакатимиздаги туманлар, вилоятлар Кенгашлари бу масалада кўп саволларга дуч келишади. Демак, мавжуд қонунларимизни янада мукаммаллаштиришимиз керак. Анчадан буён давлат идоралари хизматчилари мақоми тўғрисида қонун йўқлиги ҳақида ҳам ўйлаб юраман. Бу борада алоҳида қонун яратиш пайти келмадимикан?



Мен туман Кенгашида Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот доимий комиссиясига раҳбарман. Иш жараёнида у ёки бу қонун ҳужжатларига, қарорларга мурожаат қилишга тўғри келади. Тажрибаларимга асосланиб юқоридаги хулосага келдим.

Мамлакатимиз аҳолисининг кўп қисми қишлоқларда истиқомат қилишини, хотин-қизлар, ёшлар ўртасида ишсизлик борлигини ҳисобга олиб, бунинг ечимига доир таклифларни ўртага ташламоқчиман. Албатта, йирик саноат корхоналарини қуриш, уларда кўп сонли одамларни иш билан таъминлаш учун жуда катта маблағ талаб этилади. Шуни ҳисобга олиб, одамларнинг якка тартибда ўз ўзини, оиласини иш билан таъминлаш, касаначиликни янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиши зарур. Агар депутат этиб сайлансам, ана шу масалалар, юртимиз келажаги бўлган баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш ишларига ўз ҳиссамни қўшаман.

ЛОЛА САОДАТОВА

(114-Қамаши сайлов округи)

1972 йилда Яккабоғ туманида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)ни тамомлаган. Мутахассислиги — журналист.

Меҳнат фаолиятини 1995 йилда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида радиожурналистликдан бошлаган. 2005-2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси бўлган. 2006-2007 йилларда Қашқадарё вилояти ва Қамаши тумани ҳокимликларида турли лавозимларда ишлади. 2007 йилдан Республика маънавият-тарғибот маркази Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари.

У журналистик фаолияти давомида қизиқарли эшиттиришлар тайёрлади, ижтимоий-маърифий масалаларга бағишланган мақолалар ёзди. Ижтимоий-маънавий ҳаётимизнинг долзарб масалаларини кўтарди. Одамларни, ҳаётни ўрганди. Тўплаган тажрибасига асосланиб муҳим масалаларни ўртага ташламоқда.

— Олий ўқув юртларида корхона-ташкилотларнинг буюртмаси бўйича тўлов-шартнома асосида мутахассислар тайёрлашни белгилайдиган ҳуқуқий меъёрларни такомиллаштириш тарафдориман, — дейди у. — Айни пайтда бу тажриба ишлаб чиқаришга доир айрим соҳаларда қўлланиляпти. Қанча қишлоқларимизда тиббиётнинг баъзи соҳалари бўйича малакали шифокор, фан ўқитувчилари етишмайди. Шундай кадрларни тўлов-шартнома асосида тайёрлаш бўйича эса ҳозир аниқ ҳуқуқий меъёрга таяниб бўлмайди.



Яна бир масала. Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунларда айрим масалалар аниқ ифодаланмагани сабабли журналист билан турли давлат идоралари ўртасида баҳсли вазиятлар юзага келмоқда. Бу масалада ҳам қонунчиликка таклифларим бор.

НАСИБА ЎТКУРОВА

(115-Нишон сайлов округи)

1962 йилда Нишон туманида туғилган. Ҳозирги Тошкент давлат педагогика университетини тамомлаган. Мутахассислиги — ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини 1982 йилда Нишон туманидаги 3-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Жамоат ташкилотида ишлаган. 1992-1993 йилларда Нишон тумани ҳокимлиги референти, 1993-2004 йилларда туман хотин-қизлар қўмитаси раиси сифатида фаолият кўрсатган. 2005 йилдан 5-мактаб директори. 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра «Фахрий ёрлиқ» билан тақдирланган. ЎзХДП Нишон туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси.

— Ер ости бойликлари қазиб олинаётган ҳудудлар мақоми тўғрисида ҳуқуқий ҳужжатлар яратилиши керак, — дейди у. — Шу орқали биз ана шундай минтақаларда истиқомат қиладиган партиямиз электорати манфаатларини ҳимоя қилишга эришган бўламиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси — аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя тарафдори. Бу биздан ижтимоий ҳимояга оид аниқ таклифлар киритишимизни тақозо этади. 2010 йилдан бошлаб ўзининг ёки 26 ёшгача бўлган фарзандининг таълим олиши учун йўналтирилган маблағларга солиқ имтиёзи берилгани кўпчиликни қувонтирмоқда, албатта. Шунинг билан бирга, олий ўқув юртларида шартнома-тўлов асосида ўқий бошлаган талабаларга, ёки уларнинг ота-оналарига айни вақтда маблағни тўлай олмаслигини тасдиқловчи маълумотнома-



лар тақдим этса, банкдан узоқ муддатли фоизсиз кредит берилишини янада такомиллаштирадиган меъёрий ҳужжат қабул қилиниши керак, деб ҳисоблайман. Бундан ташқари, олий маълумотли ёш кадрларнинг мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш юзасидан янада қатъийроқ назорат ўрнатилиши тарафдориман. Шунда ёш кадрларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам берган бўламиз. Агар депутат бўлсам, аҳолининг ижтимоий муҳофазасига доир ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишида фаол қатнашаман.

ГУЛНОЗА ЭРНАЗАРОВА

(116-Косон сайлов округи)



1969 йилда Қарши шаҳрида туғилган. 1991 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)ни тамомлаган. Мутахассислиги — филолог. Филология фанлари номзоди, доцент.

Меҳнат фаолиятини 1992 йилда Қарши давлат университетида ўқитувчиликдан бошлаган. 1993-1996 йилларда мазкур университет аспиранти бўлган. 1996-2008 йилларда Ўзбек адабиёти кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, тарих ва ўзбек филологияси факультети декани ўринбосари, «Қарши университети» газетаси муҳаррири лавозимларида ишлаган. 2008 йилдан ўзбек филологияси факультети декани.

30 га яқин илмий-оммабоп мақолалари, ўқув қўлланмалари чоп этилган.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш жараёнларида фаол иштирок этиб келмоқда, — дейди у. — ЎзХДП ёшларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларга янада кўпроқ эътибор қаратиш, моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, илмий салоҳиятини ошириш, олиб бораётган илмий тадқиқотлари, ихтирочилик ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш ва оммалаштиришни муҳим вазифалардан, деб билади.

Шу билан бирга, у ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган, кўп болали оилаларда тарбияланаётган, жисмоний имкониятлари чекланган йигит-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш тарафдори. Уларга ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларни яратиб бериш, давлат ва жамиятнинг ғамхўрлигини ҳис этиб яшашларига эришиш ёшлар борасида биз илгари сураётган асосий ғоялардан биридир. Ногирон болаларни ўзларидаги мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб касб-ҳунарга йўналтириш, барча билан баробар таълим-тарбия олишини таъминлаш, жамиятда ўз ўрнини мустаҳкам эгаллашига кўмаклашиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ёшларимизнинг нафақат интеллектуал салоҳияти, балки баркамол бўлиб вояга етишлари ҳам партиямиз эътиборидаги муҳим масалалардан биридир.

Шу маънода, у ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий маданиятни ошириш орқали соғлом миллатни тарбиялаш мақсадини илгари сурмоқда.

Агар мен депутат этиб сайлансам партиямизнинг ана шу мақсадларини амалга ошириш учун курашаман. Зеро соғлом авлод, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

АНВАР ХОЛМУРОТОВ

(117-Касби сайлов округи)



1965 йилда Косон туманида туғилган. Ҳозирги техника университетини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-қурувчи.

Меҳнат фаолиятини Косон туманидаги жамоа хўжалиги аъзолигидан бошлаган. 2-пахта тозалаш заводи қурилиш бригадасида ишлаган. Ҳарбий хизматда бўлган. 1990-2003 йилларда «Қаршиирмонтаж» трестида муҳандис, «Ўзбекгазқурилиш» 2-трестида муҳандис, «Қаршинефт» нефть-газ қидирув бошқармасида механик, муҳандис, «Ўзбекнефтгазгеология» давлат геология корхонасида капитал қурилиш бўлими бошлиғи, «Ўзбурғунефтгаз» акциядорлик компанияси бош директори ўринбосари, бошқарма бошлиғи лавозимларида ишлаган. «Шўртаннефтгаз» унитар корхонасида бош мутахассис, «Ўзгеобурғугазқазибчиқариш» акциядорлик компаниясида бошқарма бошлиғи ўринбосари, «Ўзгебурғунефтгаз» акциядорлик компаниясида етакчи муҳандис лавозимларида ишлаган. 2007 йилдан бош мутахассис.

У юртимизда олиб борилаётган кўплаб геологик қидирув ишларида катта захирага эга «Чўлқувар», «Помиқ» ва «Алан» каби конларнинг очилишида қатнашди. Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси туманларида амалга оширилган кўплаб ободончилик, қурилиш ишларига муносиб ҳисса қўшди. Оғир ва масъулиятли меҳнат уни тоблади.

— Биз демократик жараёнлар изчил кечаётган жамиятда яшаяпмиз, — дейди у. — Ҳар биримизнинг воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатимиз, қарашларимиз бўлиши табиий. Биз эса, аввало, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами турмуш даражасини босқичма-босқич ошириб боришга муносиб ҳисса қўшишимиз керак.

Ижтимоий ҳимоянинг манзиллилигини кучайтириш, бу борада самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам ҳимояси механизмини такомиллаштиришимиз зарур. Шунинг билан бирга, ижтимоий ҳимоя боқимандалик кайфиятини келтириб чиқармаслигига эътибор қаратиш лозим. Депутат этиб сайлансам, партиямиз сайловолди платформасидан келиб чиқиб, ана шу мақсадлар учун курашаман. Ўз мутахассислигим бўйича қонунларни такомиллаштиришга хизмат қиламан.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

НАЗИМАТ СУЛТОНОВА

(118- Китоб сайлов округи)



1958 йилда Китоб туманида туғилган. Ҳозирги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини тамомлаган. Мутахассислиги — инглиз тили ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини Китоб туманидаги 22-мактабда бошлаган. 1981-1986 йилларда 20-мактабда инглиз тилидан ўқувчиларга сабоқ берган. 2005 йилгача тумандаги 21- мактаб директори лавозимида ишлаган. 2005 йилдан Китоб туманидаги агросаноат касб-ҳунар коллежи директори. Халқ таълими аълочиси.

Мактабда иш бошлаган кезларидаёқ, ташаббускорлиги билан кўпчиликнинг назарига тушди. У директор этиб тайинланган Бектемир қишлоғидаги ўрта мактабнинг биноси наридан-бери синчдан тикланган, синфхоналар етишмасди. Одамларни ҳашарга жалб қилиб, ҳомийларга мурожаат қилиб, 200 ўринли шинам бино қуриб битказилишига эришди. Яна елиб югурди. Бу сафар 422 ўринли замонавий мактаб қад кўтарди. Ўқувчилари ҳам кўп ютуқлар билан эътиборга тушди. Шу қишлоқда ўн беш йилдан буён қурилиши тугалланмаган бино бор эди. Кутилмаганда уни коллеж учун танлашди. Ҳали битмаган ўқув юртига Назиматни директорликка тайинлашди. Аввалига роса қийналди. Маблағ ажратилиши учун тегишли идоралар эшигини қоқиб бораверди. Хуллас, бугун замонавий коллеж биноси қад кўтариб турибди. Польша давлатининг лойиҳаси асосида 307 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик цех олиб келиб ўрнатди. Ташаббускор раҳбарнинг бошқа ибратли ишлари ҳам оғизга тушди.

— Ростини айтсам, депутатлик катта масъулият, — дейди у. — Аммо партиямиз менинг номзодимни шу округдан танлаган экан, ишончни оқлаш учун астойдил ҳаракат қиламан. Сайловолди дастуримдан ижтимоий ҳимояни кучайтириш, қишлоқ жойларида аёллар меҳнатини енгиллаштириш, ўрта махсус таълим тизими самарадорлигини ошириш ва бошқа масалалар ўрин олган.

Шунингдек, олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошириш, мамлакатимиз ҳудудларида кадрларга эҳтиёж муаммолари ечими бўйича ўз таклифларимга эгаман. Сайловчилар ишончига сазовор бўлсам, ушбу вазифалар ижроси бўйича меҳнат қиламан.

САТТОР РАҲМАТОВ

(119-Чироқчи сайлов округи)

1973 йилда Китоб туманида туғилган. Тошкент педиатрия тиббиёт институтини тамомлаган. Мутахассислиги — педиатр.



Меҳнат фаолиятини Шаҳрисабз шаҳар оналар ва болалар касалхонасида бошлаган. 1998-2002 йилларда Китоб туман болалар шифохонасида уролог шифокор бўлиб ишлаган. 2002 йилдан болалар поликлиникаси бош врачи.

Халқ депутатлари Китоб туман кенгаши депутати.

— Мамлакатимизда тиббиёт тизимини ислоҳ қилиш борасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда, — дейди у. — Соҳага кадрлар тайёрлаш, қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш тизими такомиллашиб бораяпти. Аммо бу борада қиладиган ишларимиз ҳали кўп, деб ўйлайман. Масалан, болалар шифохоналари, туғуруқхоналар ва бошқа тиббиёт масканларида болалар учун арзон ва сифатли дорилар бўлиши, бу борадаги таъминотда муаммо бўлмаслиги керак. Грипп ва айрим юқумли касалликлардан эмловчи дорилар ўзимизда тайёрланиши зарур, деб ҳисоблайман. Чунки юрт бойлиги саломатликда. Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш, маданият, уй-жой-коммунал хизматлар кўрсатиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат минимал ижтимоий стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарур, деб ҳисоблайман.

Мен қишлоқ турмуши, аҳолиси орзу-умидлари, муаммоларидан яхши хабардорман. Мустақиллик йилларида, айниқса, жорий йилда мисли кўрилмаган бунёдкорликлар амалга оширилди.

Аммо қишлоқ жойларда, айниқса, тоғли туманларда аҳоли бандлиги, турмуш шароитини янада яхшилаш бўйича ечимини кутаётган муаммолар оз эмас. Мен бу сингари ҳаётий муаммолар ва масалалар ечимини топишда фаол иштирок этишни хоҳлайман.

МАШКУРА САФАЕВА

(120- Шаҳрисабз сайлов округи)

1950 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетини тугатган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос.



Меҳнат фаолиятини Шайхонтоҳур туманидаги 4- болалар шифохонасида бошлаган. 1975 йилга қадар Тошкент шаҳар судида нотариал идора консультанти, суд мажлиси котиби, фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати котиби, девонхона мудири, катта консультант вазифаларида ишлаган. 1975-1985 йилларда Собир Раҳимов туман суди судьяси, Тошкент шаҳар суди судьяси сифатида фаолият кўрсатган. 1985-1996 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси, 1996-2000 йилларда Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси лавозимида ишлаган. 2000-2005 йилларда Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси бўлган. 2005-2007 йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатган. 2007 йилдан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

Таъкидлаш керакки, ўтган беш йил давомида Қонунчилик палатаси томонидан 250дан ортиқ қонун қабул қилинган бўлса, ҳар бири юзасидан ўзининг фикри, нуқтаи назарини билдирди, уларни такомиллаштириш юзасидан таклифларини илгари сурди.

Бундан ташқари, Қонунчилик палатасидаги норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясининг раиси сифатида ҳам самарали иш олиб борди. Палатада қонун лойиҳаларини иккинчи ва учинчи ўқишларга тайёрлаш жараёнида давлат тили қоидаларига риоя этилиши, норматив-ҳуқуқий атамалардан ўз ўрнида фойдаланилишини таъминлашда унинг хизмати катта бўлди.

Депутат сифатида сайловчилар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратди. Қарши туманидаги Дашт қишлоғида истиқомат қиладиган фуқароларнинг мурожаатлари инобатга олиниб, ушбу ҳудуддаги Маиший хизмат касб-ҳунар коллежи Қоратепа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида қурилаётган иқтисодиёт коллежига қўшилди. Натижада бўшаган бинода болалар мусиқа мактаби филиали очилди.

Машкура Сафаеванинг ўз ваколатларидан келиб чиқиб амалга оширган ишлари ҳақида кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

— Партиямиздан сайланган депутатлар электоратимиз манфаатлари ҳимояси йўлида кўпгина ишларни амалга оширдилар, — дейди у. — Аммо ҳали бу борада бажарадиган вазифаларимиз жуда кўп. Янги муддатга сайлансам партиямиз Сайловолди платформасида белгиланган тамойилларни амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қиламан.

ТЎРАҚУЛ ХОЛИҚОВ

(121-Яккабоғ сайлов округи)

1955 йилда Касби туманида туғилган. Тошкент тиббиёт академиясини тугатган. Тиббиёт фанлари номзоди.



Меҳнат фаолиятини 1979 йилда Тошкент шаҳридаги шифохонада бошлаган. 1980-1989 йилларда Қарши шаҳар тез ёрдам станциясида жарроҳ, Қарши шаҳридаги 1-сонли поликлиникада онколог шифокор, Қашқадарё вилоят онкология диспансерида шифокор. 1992-1996 йилларда Қашқадарё вилоят онкология диспансерида жарроҳ-онколог вазифасида ишлади. 1996 йилдан онкология диспансери бош врачи.


Олимнинг маҳаллий ва хорижий давлатларда саратон касаллигини даволашга бағишланган 70 дан ортиқ илмий мақолалари, битта монографияси чоп этилган.

— Инсон учун саломатликдан ортиқ бахт йўқ, — дейди у. — Умуман олганда, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида кўп ибратли ва хайрли ишлар қилинмоқда. Буларни ўн беш-йигирма йил олдинги шароит билан таққосласак, қанчалик илгарилаб бораётганимиз аён бўлади. Мен шу ўринда нафақат тиббиёт соҳасида, балки фундаментал фан соҳаларида меҳнат қилаётган, изланаётган олимлар, ёш тадқиқотчиларга имтиёзлар яратиш ниҳоятда зарурлиги ҳақида ўйлаб юраман.

Яккабоғ тумани ҳудудидан оқиб ўтадиган табиий тоза сувни ўттиз-қирқ йиллардан буён Қарши, Муборак, бошқа туманлар аҳолиси ҳамда айрим саноат корхоналари бемалол ишлатишаяпти. Бу тенгсиз неъматни фақат аҳоли ичиши учун ишлатиш, саноат корхоналарида сувни қайта тозалаш тизимини яратиш лозим. Ана шунда аҳолининг тириклик манбаи бўлган ер ости тоза сувини сақлаб қола оламиз. Шу орқали ҳамма нарсадан қиммат бўлган инсон саломатлиги муҳофазасини таъминлаш бўйича муҳим қадам қўйган бўламиз. Янги шаклланадиган парламентимиз олдида бу борада қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масаласи турибди.

УЛАШ ҚОРАЕВ

(122-Ғузор сайлов округи)



1955 йилда Ғузор туманида туғилган. Қарши давлат педагогика институтини тамомлаган. Мутахассислиги — бошланғич синф ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини 1973 йилда Ғузор туманидаги 18- мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1985 йилдан мазкур мактаб директори.

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган.

Улаш Қораев камтарлиги, меҳнатсеварлиги ва катта ташкилотчилиги туфайли ғузорликларнинг ҳурмат-иззатига сазовор бўлди. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати сифатида туман иқтисодини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди.

— Тажрибамдан биламанки, депутат бўлиш осон эмас, — дейди у. — Қонунчилик палатаси депутати бўладиган номзоднинг ҳаётий тажрибаси, илму салоҳияти бўлиши керак. Кўплаб масалалар ечими анчагина меҳнат талаб қилади. Масалан, кўп болали оилалар, жисмоний имконияти чекланган болалар, кўмакка муҳтож кишилар учун чуқур ўйланган, манзилли ижтимоий ҳимоя зарур. Уларга берилаётган нафақалар ҳаёт кечиришлари учун етадими? Буларни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Чунки уларнинг ҳаёти фаровонлиги шунга боғлиқ.

Қишлоқ мактаблари ва соғлиқни сақлаш муассасаларини маҳаллий кадрлар билан таъминлаш мақсадида қишлоқ ёшларининг тегишли олий педагогика ва тиббиёт ўқув муассасаларига кириш учун шарт-шароитларни кучайтириш, қишлоқ жойларида уй-жой қуришни кенгайтириш масалаларига янада кўпроқ эътибор қаратиш жойларда кўпгина ижтимоий муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади. Депутатликка муносиб кўрилсам, маслакдошларим билан бирга ана шу мақсадлар учун курашаман.

КОМИЛА КАРОМОВА

(123-Насаф сайлов округи)



1960 йилда Қарши шаҳрида туғилган. Ҳозирги ЎзМУни тамомлаган. Мутахассислиги — журналист.

Меҳнат фаолиятини 1982 йилда Нишон туман газетасида муҳаррир ўринбосарлигидан бошлаган. Давлат ва жамоат ташкилотларида фаолият кўрсатган. 1994-1995 йилларда Қарши шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимида ишлаган. 1995-2005 йилларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қарши шаҳар кенгаши котиби, раиси сифатида фаолият кўрсатган. 2005 йилдан «Насаф» газетаси бош муҳаррири, 2007 йилдан ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси.

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати.

— Мен узоқ йиллар Қарши шаҳар Кенгаши, икки йил давомида вилоят Кенгаши депутати бўлиб, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш йўллари, муаммолар ечимига ёндашиш усулларини ўргандим, — дейди у. — Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод сифатида сайловолди дастурини тузар эканман, партиямиз олдинга сураётган долзарб вазифалар, шу кунниинг талабларини ҳисобга олишга ҳаракат қилдим. Тажрибамдан кўрдимки, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш учун, аввало, одамларга меҳнат қилиш имконини кенгайтириб бериш керак. Бунинг учун бандлик дастурлари ижросини қатъий таъминлаш, номига эмас, юқори даромадли иш ўринлари яратиш ҳақида бош қотиришимиз зарур, деб ҳисоблайман. Яна бир масала — якка тартибда уй-жой қуришга берилаётган кредитларни кўпайтириш, қурилиш материаллари таннархини арзонлаштириш, одамлар турмуш шароитларини яхшилашга жуда катта хизмат қилади. Уй-жой қурилиши соҳасида қурилиш ташкилотларининг масъулиятини кучайтириш борасида ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак.

Шаҳар Кенгаши депутати сифатида қонунларимиз ижросига нималар халақит беришини билдим. Албатта, Қонунчилик палатаси депутати олдига қўйилаётган талаблар ниҳоятда юксак. Мен партия ходими, шаҳар ташкилоти етакчиси сифатида одамлардан, электоратимиз вакилларидан тушаётган ҳаётий таклиф ва шикоятлардан кўп нарсаларни ўргандим. Депутат этиб сайлансам, фаолиятимни электоратимиз манфаатлари асосида ташкил этмоқчиман.

Сайловлар — кучли фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир.

САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИНИ ТУЗИШ:

МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Сайловчилар рўйхати участка сайлов комиссияси томонидан тузиладиган расмий ҳужжатдир. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунига асосан сайловчилар рўйхатига сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган ҳамда актив сайлов ҳуқуқига, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партия томонидан кўрсатилган номзодни сайлаш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари киритилади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Яъни, улар сайловчилар рўйхатига киритилмайди. Бошқа ҳеч қандай шарт ёки талаб рўйхатга киритиш учун тўсқинлик қила олмайди. Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин. Рўйхатда асосан сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили кўрсатилади.

Қонуннинг 32-моддасига асосан, фуқаро сайловчилар рўйхатига киритилиши учун рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган бўлиши лозим.

Сайловчилар рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилади. Туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари участка сайлов комиссияларига сайловчиларнинг ҳисобга олиниши масалаларида яқиндан кўмаклашадилар ҳамда участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи сайловчилар тўғрисида зарур маълумотларни тақдим этадилар. Бундан ташқари, рўйхат тузиш жараёнига сайлов комиссияси жамоатчилик вакилларини, фаолларни кенг жалб қилади. Тузилган рўйхатни участка сайлов комиссияси раиси ва котиби имзолайди.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек, ҳарбий хизматчилар оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг, агар улар ҳарбий қисмлар жойлашган ерда истиқомат қилсалар, рўйхатлари ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар ўзларининг яшаш жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар (идоралар) раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади.

Рўйхатни тузишдан кўзланадиган асосий мақсад энг аввало фуқароларнинг сайловда қатнашиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, уларни ўзлари ҳақида рўйхатда қайд этилган маълумотлар билан таништириш, лозим бўлса, бу маълумотларга аниқлик киритиш ва ниҳоят, овоз беришни ўтказиш ҳамда сайлов натижаларини аниқлашдан иборат.

Қонунда фуқароларни сайловчилар рўйхатлари билан таништириш ва сайловчилар рўйхатидаги ноаниқликлар хусусида шикоят қилиш ҳуқуқи каби масалалар алоҳида моддаларда тартибга солинган.

Қонуннинг 33-моддасига асосан сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловга етти кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади.

34-моддага асосан ҳар бир фуқаро сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд аризачига унинг аризаси рад этилганлиги тўғрисида асослантирилган жавоб бериши шарт.

Таъкидлаш жоизки, миллий қонунчиликдаги ушбу қоидалар бир қатор халқаро ҳужжатларнинг талабларига, хусусан Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюросининг Сайловлар устидан кузатиш бўйича 1999 йил апрель ойида Варшава шаҳрида қабул қилган Асосий қоидаларига (чунончи, сайловчилар рўйхати барча сайловчилар учун очиқ бўлиши лозимлиги, мазкур рўйхат янгиланиб турилиши, асоссиз сайловчини рўйхатга киритмаслик ҳолатларига йўл қўймаслик (масалан, жинсига, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди каби ҳолатларига кўра) каби қоидаларига), Европа Иттифоқи Парламент Ассамблеясининг Венеция комиссияси томонидан 2002 йил октябрь ойида бўлиб ўтган сессияда Европа Иттифоқи давлатлари учун тасдиқланган «Сайловлар ўтказиш жараёнида тавсия қилинадиган Қоидалар тўплами»га (хусусан, сайловчилар рўйхати бўлиши лозимлиги, унинг янгиланиб бориши ҳақидаги, рўйхатда сайловчи тўғрисидаги маълумотларни кўрсатишда ноаниқликка йўл қўйилганлик ҳолатлари учраганда уни тузатиш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилиши каби қоидаларига) тўла мос келади.

Бугунги кунда дунё мамлакатларида сайловчилар рўйхатини тузиш масаласида асосан икки хил тажриба мавжуд: ***мажбурий*** ҳамда ***ихтиёрий***.

Мажбурий (яъни, оммавий) равишда фуқароларнинг сайловчилар рўйхатига киритилишини асосан Австрия, Германия, Греция, Италия, Португалия, Финландия, Ҳиндистон давлатларида кузатиш мумкин.

Ихтиёрий равишда фуқароларнинг сайловчилар рўйхатига киритилишини эса бугунги кунда Франция, Ирландия, АҚШ, Мексика давлатлари мисолида кўриш мумкин. Мазкур давлатларда фуқароларнинг сайловчилар рўйхатига киритилиши ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи, яъни у бу рўйхатга киритилиши учун ариза билан мурожаат қилиши лозим ҳисобланади.

Айрим давлатлар сайловчилар рўйхати умуман тузилмаслиги ҳам мумкин (масалан, Сурия Араб Республикаси). Канада давлатида эса сайловчилар рўйхатидаги реквизитлар, яъни ундаги маълумотлар турлича бўлади. Унда сайловчилар рўйхатида сайловчининг фамилияси, исми, унинг жинси, туғилган йили, почта манзили ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши лозим.

Латвияда участка сайлов комиссиялари олдиндан тайёрланган сайловчилар рўйхатисиз ҳаракат қиладилар. Латвияда Сейм (парламент)га бўладиган сайловларда фуқаролар ўзи хоҳлаган сайлов участкасига бориб овоз бериш имкониятига эга. Яъни, фуқаро овоз бераётган сайлов участкаси унинг сайлов округига тааллуқли бўлиши шарт эмас.

Латвияда фуқаронинг паспорти шахсни аниқловчи ягона ва энг асосий ҳужжат ҳисобланади. Фуқаронинг паспортидаги маълумотлар сайлов кунининг ўзида сайлов участкаларидаги сайловчилар рўйхатига киритилади. Фуқаронинг бошқа сайлов участкаларида қайта овоз бериш имкониятини чеклаш мақсадида паспортига махсус белги қўйилади.

Буюк Британияда сайловларни ташкил қилиш ва жараёнлар устидан назорат олиб бориш сайлов участкаларидаги *сайлов бўйича махсус вакил* зиммасига юкланади. Махсус вакилнинг зиммасига сайловчилар рўйхатини тузиш, овоз бериш пунктларини белгилаш, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ташкил қилиш учун ишчи гуруҳини шакллантириш ҳамда номзодлар билан уларнинг ишончли вакиллари орқали муносабатларга киришиш каби вазифалар юклатилади. Ҳар йили сайловчилар рўйхати 16 февраль ҳолатига кўра янгиланади ва ушбу рўйхат ҳар қандай сайлов учун кейинги йилнинг 15 февралига қадар кучда бўлади. Сайловчиларни рўйхатдан ўтказиш услублари жойларга қараб ўзгариши мумкин. Ҳар бир сайловчи сайловчилар рўйхатида ўзининг шахсий тартиб рақамига эга. Фуқаро бир неча сайлов участкалари рўйхатига киритилган бўлиши мумкин, бироқ фақат бир маротаба овоз бериш имкониятига эга. Сайловлардан бир неча кун олдин сайлов бўйича махсус вакил рўйхатдан ўтган сайловчиларга хабарнома юборади. Хабарномада сайлов округининг номи, сайловчининг исми ва фамилияси, яшаш манзили, рўйхат рақами, сайловлар ўтказиладиган кун, сайлов участкаларининг манзили ва ишлаш вақти каби маълумотлар ўз аксини топган бўлади.

Испанияда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига 18 ёшга тўлган ва овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум этилмаган ҳар бир фуқаро иштирок этиши мумкин ва улар сайловчилар рўйхатига автоматик тарзда киритилади. Сайловчига ҳеч қандай сайлов карточкаси тақдим этилмайди. Фуқародан талаб қилинадиган ягона ҳужжат бу – шахсни тасдиқловчи ҳужжатдир (паспорт).

Испанияда сайловчилар рўйхатини тузиш ишлари билан рўйхатларни тузиш бўйича сайлов офиси шуғулланади. Бу ташкилот Молия вазирлиги қарамоғидаги ташкилот ҳисобланади. Сайловчилар ҳақида асосий маълумотлар шаҳар кенгашлари томонидан (агар фуқаролар хорижда бўлишса, консуллик хизматлари томонидан, агар оламдан ўтган бўлса, фуқаролик ҳолатини регистрация қилиш бўлимлари) томонидан тақдим этилади.

Австралияда Сайлов комиссиялари сайловчилар рўйхатини тузади ҳамда мажбурий регистрация ишларини амалга оширади; кенг жамоатчиликка сайловлар куни ҳақида ахборот беради; оммага парламент муҳокамасидаги масалалар юзасидан маълумотлар беради; сайлов масалалари билан боғлиқ илмий изланишлар олиб боради; сайлов билан боғлиқ туркум материаллар чоп этади ҳамда министрга сайлов масалалари бўйича ҳисобот беради.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида сайловчиларни рўйхатга олиш билан боғлиқ нормалар халқаро стандартлар ҳамда дунё мамлакатларининг илғор тажрибасига асосланган ҳолда мустаҳкамланган.

Адҳам ХУДОЙҚУЛОВ
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.

«ОҚСОҚ ТУЛПОР»ДАГИ ФОЖИА

Россиянинг Перм ўлкасидаги «Оқсоқ тулпор» тунги клубида 4 декабрдан 5 декабрга ўтар кечаси юз берган фожиа тафсилотлари ҳақида.

Тафсилот

Ўша мудҳиш тунда клубнинг 8 йиллик юбилейи тантана қилиниши боис клубга кириш текин эди. Ушбу тадбирга 280 киши таклиф этилганди. Фожиа юз берган пайтда клубда 250 га яқин киши бор эди.

Тергов-суриштирув натижасида аниқланган манбаларга қараганда, тантана охирларида «пиротехника шоу»си бошланади. Бу эса клубнинг пастак, бунинг устига похолли шифтида ёнғин юзага келишига ва тезда олов кучайиб, бутун клубни қамраб олишига сабаб бўлади. Натижада 125 киши қурбон бўлди. 100 нафардан зиёди турли даражада куйиш жароҳатини олиб, шикастланди. Уларнинг ярми ўта оғир аҳволда.

Умумий майдони 500 квадрат метрга тенг клубнинг 400 квадрат метри бутунлай куйиб, кул бўлди.

Бинодан ташқарига чиқиш йўлагининг торлиги, деразалар ўрни тўсиб ташланганлиги қурбонлар сони ортишига сабаб бўлган. Ёнғиндан ваҳимага тушган одамларнинг жон ҳолатда йўлакка отилиши тиқилинч вазиятни юзага келтирган ва бир қанча кишилар оёқ остида қолиб, нобуд бўлишган.

Пермда 5 декабрдан 7 декабргача, Россия бўйлаб эса 7 декабрь куни мотам тутилди.

Айни дамда ҳукумат комиссияси томонидан тергов-суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 3-боб, 219-моддаси бўйича жиноят иши қўзғатилган. Фожиа юз беришида айбдорликда гумонланиб, 4 киши — «Пироцвет» пиротехника компанияси директори, клуб муассиси, клубнинг ижрочи директори ва клубнинг арт-директори ҳибсга олинган. Клуб соҳибига ҳам айблов эълон қилинган, аммо у ҳибсда эмас, негаки, юқори даражали жароҳат олгани боис Москвадаги шифохонага ётқизилган.

«Интерфакс» ахборот агентлиги маълум қилишича, қўлга олинганларнинг айби исботланса, улар 7 йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум этилади.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, мазкур фожиа бутун Россияни «қалқитиб», оёққа турғазди. Айни шу фожиа боис Перм ўлкасида бир қанча раҳбарлар эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилди.

Мамлакат раҳбарияти бош прокуратурага ушбу фожиа юзасидан текширув ўтказиб, айбдорларга чора кўриш вазифасини юклади. Шу муносабат билан прокуратура, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва ёнғин хавфсизлиги идоралари вакиллари Пермдаги барча клублар, кафе-барлар, ресторанлар, дўконларда ёнғин хавфсизлиги бўйича текширувлар ўтказди ва бу текширувлар Россия бўйлаб давом этмоқда. Жуда кўплаб муассасалару шохобчаларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаётгани, умуман, ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Мазкур ҳолатлар юзасидан чоралар белгиланмоқда.

Лекин буни хориж матбуоти киноя билан шарҳламоқда. Фожианинг оқибатларига эмас, балки келиб чиқиш сабабларига қарши курашиш лозимлигини уқтирмоқда. Жумладан, хориж оммавий ахборот воситаларида ёзишларича, ёнғин билан боғлиқ воқеалар Россияда доимий равишда юз бериб туради.

«The Christian Science Monitor» нашри қайд қиладики, Россияда йилига 18 мингга яқин одам айнан ёнғин оқибатида ҳаётдан кўз юмади. Бу рақам бошқа давлатлардагига қараганда анча кўп.

Буни Москва давлат думасининг хавфсизлик масалалари бўйича комиссияси раиси ўринбосари Сергей Гончаров ҳам алоҳида таъкидлади. Унинг айтишича, маъмуриятнинг тунги клублар фаолиятини текшириш юзасидан берган кўрсатмаси бўйича олиб борилаётган текширувлар ҳеч бир наф бермайди. Барча текширувлар порахўрлик билан тугайди ва кейинги фожиа юз бергунча «эски ҳаммом, эски тос»лигича қолаверади.

Дарҳақиқат, унинг куюнганича бор. Ваҳоланки, «Оқсоқ тулпор» тунги клуби 2008 йил декабрда ва жорий йилда ҳам текширилган ва икки марта ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бермаганлиги учун жарима жазосига тортилган эди. Жарима миқдори эса ўта кулгили — 1800 ва 1000 рубль. Аммо муассасани ёпиш қийин.

Айнан «Оқсоқ тулпор»даги ёнғин боис вазифасидан бўшатилган Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Перм ўлкаси бўйича давлат ёнғин назорати бош бошқармаси бошлиғи (дарвоқе, у бир ой аввал Приволжск федерал округида ўтказилган танловда «Энг яхши мутахассис» номинацияси бўйича ғолиб бўлган) Владимир Муҳитдиновнинг «Комсомольская правда» газетасига 10 ноябрь куни берган интервьюсида айтишича, текширув натижаларига кўра, муассасани ёпмоқчи бўлган инспекторлар юқорининг босимига учраши аниқ. Бу бежиз эмас.

Бироқ ҳар не бўлганда ҳам ёнғин фожиаси кўпчиликни сергаклантирди. Ҳар янги йил олдидан мамлакат милицияси «Пиротехника» операциясини ўтказиб, профилактика чораларини кўрарди. Бу йил эса бундай тадбир ҳозирдан бошланди.

Москва шаҳар мэри маъмурияти эса оммавий тадбирларда пиротехника воситаларидан фойдаланишни тақиқловчи қарор тайёрламоқда.

Умуман бу кўнгилсиз воқеа кўпчилик йиғиладиган жойларда ёнғин ва бошқа хавфсизлик чораларини кўриш зарурлигини яна бир марта исботлади.

Алимкул СУЛТОНОВ,
шарҳловчи

ЖОНКУЯР ОДАМ

Қишлоғимизда Исмоил ота яшайди. У киши кўп йил деҳқончилик билан шуғулланди, мироблик қилди. Кейинги пайтда тақир тепадан жой олиб, боғ яратди. Боғ унчалик катта эмас. Дарахтлар, токлар расамади билан ўтказилгани туфайли серҳосил. Бундан нафақат Исмоил отанинг хонадони балки бутун қишлоқ баҳраманд. Аввал гилос, сўнг ўрик пишади. Эртаки олма пишганда боғдан анвойи ҳид таралади.

Исмоил ота олмасининг довруғи қўшни қишлоқларга ҳам таралган. Эрта кузда, навбаҳор кунларида пайвандлашга новда сўраганлар кўп бўлади. Отахон ҳеч кимдан пайванд шохни аямайди. Вақти бўлган кезларда, ўзи атайин бориб улаб беради. Ахир қишлоқ боғу роғларга бурканса ёмонми? Лекин отахоннинг бир одати бор. Ўтказилган ҳар бир туп ниҳол ёки ток қаламчаси қуриб қолмаслиги учун тиришади.

— Қандай, пайванд ушладими? Кўчат кўкладими? Эҳтиёт бўл, авайла агар қуриб қолса, кўкармаса ўзингдан кўр, уволи тутади, — деб хабардор бўлиб туради.

Баъзилар, шу чолга нима зарур, тинчгина тепа боғида ўз ишини қилиб юрса бўлмасмикин дейишади. Чиндан ҳам отахоннинг тақир тепада иши кўп.

Яқинда қишлоқда кетма-кетига тўй бўлди. Ҳар учала тўйга ҳам Исмоил ота бош-қош. Тўй баҳона отахон усталик билан сув йўлларини, ариқ-зовурларни тозалашни фермерлар бўйнига қўйди. Орадан кўп ўтмай қишлоққа бульдозер кириб келди.

Кайвониликни, оқсоқолликни ҳадисини олган Исмоил ота ишни зовурларни тозалашдан бошлади.

Ҳашарнинг биринчи кунидаёқ анча иш бажарилди.

Ёшлар даврасида ҳамиша ҳозиру нозир бўладиган отахон бир гапни жуда кўп такрорлайди. «Сув ичишни истасанг, ариқ қаз!» Ҳа қадим-қадимдан буён сув йўлини тозалаш халқимиз учун миллий қадрият даражасига кўтарилган. Мана шу ҳикматни, савобли юмушни ўғилларимизга ўргатиш, тушунтириш зарур. Ўшанда болаларимиз ҳам ота-боболаримиздан мерос бўлган хайрли амалларимизни бажаришга шай туришади.

— Кимнингки жамоа ишини жонлантириш, одамлар мушкулини осон қилиш қўлидан келса, эринмаслиги керак, шунда ишимиз юришади, — деб қишлоқдошларига уқтиради Исмоил ота.

Отахоннинг яна бир яхши одати бор. Одамларни, айниқса, ёшларни атроф-муҳитга, обиҳаёт оқадиган ариқлару зовурларни тоза, мусаффо сақлашга ўргатишдан эринмайди.

Юнус ЗИЁДОВ,
меҳнат фахрийси.

REGIONAL RURAL WATER SUPPLY PROJECT

«Сув ресурслари бўйича халқаро котибият»нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси («Халқаро Сув Котибияти») «ИНН 205358193) 2009 йилнинг 1 декабрь кунидан бошлаб тугатилаётганлиги муносабати билан, жамиятнинг барча кредиторлари эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой муддат ичида котибият қарзлари бўйича ва мажбуриятлари юзасидан талабнома билан котибият маъмуриятига мурожаат қилишлари мумкин.

Амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда кредиторларнинг талабларига кўра мажбуриятлар муддатидан илгари ижро этилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳар, Маҳмуд Қосимов кўчаси, 39-уй, 3-қават.

Ҳамид Олимжон таваллудининг 100 йиллигига

ДИЛБАР ШОИР ХОТИРАСИ



Кеча Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтида XX аср ўзбек адабиётининг етук намояндаси Ҳамид Олимжон таваллудининг 100 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди.

Унда юртимизнинг таниқли ижодкорлари, олимлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Биз анжуман қатнашчиларининг айримлари билан буюк адибнинг катта ўзбек адабиётига қўшган ҳиссаси ҳақида суҳбатлашдик.

Умарали Норматов, профессор:

— Буюк адиб мустабид тузумнинг энг зиддиятли, фожиали даврида яшаб ижод қилди. Аммо шўроларнинг адабиётга, санъатга бўлган тажовузи авж олган шундай бир мураккаб вазиятда ҳам халқимизнинг чинакам истеъдодли фарзандлари жаҳон адабиёти дурдоналарига тенг бўлган асарларни яратишди.

Хусусан, Ҳамид Олимжоннинг ўша тузум қолипига мутлақо тўғри келмайдиган «Хайрлашув», «Ҳолбуки тун», «Ишим бордир ўша оҳуда», «Офелиянинг ўлими», «Хаёлимда бўлдинг узун кун» каби шеърлари, «На бўлғай» радифли шоҳ ғазали шулар жумласидан. Бундан ташқари яна кўплаб умуминсоний ғоялар билан йўғрилган дилбар, лирик асарлар яратганки, булар том маънодаги мўъжизадир.

Муҳаммадали Қўшмоқов, филология фанлари номзоди:

— Ҳамид Олимжон халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиётимизни, умуман тарихимизни жуда чуқур билган ижодкордир. Шунинг учун у энг оғир йилларда Ватанимизни мустақилликка чорлайдиган, инсонларда озодлик туйғусини уйғотадиган «Муқанна» образини яратди.

Бундан ташқари, шоир ўзининг гўзал лирикаси, ажойиб драмалари, шунингдек, болалар адабиётининг бетакрор намуналари билан ўзбек адабиётини янада бойитишга катта ҳисса қўшди.

Шерали Турдимов, филология фанлари номзоди:

— Конференцияда «Ҳамид Олимжон ва фольклор» мавзусидаги маърузам билан иштирок этдим. Аниқроқ айтганда, ушбу тадқиқот адибнинг «Алпомиш» достонига ёзилган сўзбошиси хусусидадир. У композицион жуда мукаммал тузилган бўлиб, чинакам, юксак дидли мақолага айланган. Хусусан, ўқувчиларга Фозил Йўлдошни, унинг репертуаридаги бу достоннинг юксак ўрнини шундай тушунтиради: «Алпомиш унинг шоирлик бешиги бўлган». Қисқа, лўнда қуйма таъриф.

Омон Олимжонов, ҳуқуқшунос олим:

— Шукрки, мустақиллик йилларида дадамнинг ижоди ҳаққоний, холисона баҳога эга бўлди. Бугун нафақат пойтахтимизда балки, Жиззах, Самарқанд ва бошқа жойларда ҳам Ҳамид Олимжон таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланмоқда. Яқин кунлар ичида дадамнинг сайланмалари ҳам нашрдан чиқади. Шу ўринда Ҳамид Олимжон ва Зулфия ижодига юксак баҳо берган, улар хотираси учун жуда катта ишлар қилган Юртбошимизга бутун оиламиз номидан миннатдорчилик билдираман.

Президентимиз ўз чиқишларидан бирида **дилбар шоир Ҳамид Олимжоннинг ижоди минглаб адабиёт мухлислари қалбидан мустаҳкам жой олган** дея таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, серқирра ижодкор қисқа умр кечирганига қарамай халқимизга бой маданий мерос қолдириб кетди.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳамид ОЛИМЖОН


ЎЛКА

Мен дунёга келган кунданоқ
Ватаним деб сени, уйвондим.
Одам бахти биргина сенда
Бўлурига мукаммал қондим.

Қулоғимга номинг кирганда
Қумлик каби ташна боқурман.
Сенинг жаннат водийларингдан
Наҳрлардай тўлиб оқурман.

Билсинларким, йўлдошим бўлмас
Кўзда ёши билан кулганлар.
Тиллари бор, ўзлари ҳаёт,
Лекин юрак-бағри ўлганлар.

Ҳар айтганинг буюк жангнома,
Қайга десанг қайтмай кетурман.
Кўзларимни юммасман асло —
Дарё каби уйғоқ ўтурман.





ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда Деҳқонобод туманида 110 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Улар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 250 ўринли Марказий шифохона, 20 га яқин замонавий ҚВП, 2 та поликлиника, 2 та хусусий шифохона ва яна бир қанча соғлиқни сақлаш муассасалари хизмат кўрсатмоқда. Бу тиббий масканлар энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Туманнинг чекка-чекка қишлоқлари аҳолиси ҳам сифатли тиббий хизматдан баҳраманд бўлаётир.

Суратда: *туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Нортожи Янгибоев бир гуруҳ ҳамкасблари билан.*

Абдурасул ПАРДА олган сурат

Диққат! Диққат! Диққат!


ХАЛҚ БАНКИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг мақсадли, пулбуюм ютуқли, тиражли лотереясининг II чиқарилиши бўйича ютуқлар тиражи 2009 йил 10 сентябрь куни Хива шаҳрида ўтказилди. Лотереянинг II чиқарилиши бўйича ўтказилган ютуқлар тиражи якунига кўра, Халқ банкининг барча муассасалари томонидан пул ва буюм ютуқли лотерея билетлари узлуксиз равишда тўловга ҳамда экспертизадан ўтказиш учун қабул қилинмоқда.

Мазкур лотереянинг шарт қоидаларига асосан ютуқли лотерея билетлари ютуқлар тиражи расмий жадвали матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб уч ой давомида Халқ банки муассасалари томонидан тўловларга қабул қилинади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Сизларга, лотерея билетларининг II чиқарилиши бўйича ютуқли лотерея билетлари 2009 йилнинг 12 декабрига қадар банк муассасаларида қабул қилинишини маълум қиламиз. Ушбу муддатга қадар банкка тақдим этилмаган ютуқли лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва қайд этилган санадан сўнг тўловга қабул қилинмайди.

ШОШИЛИНГ! ЮТУҚЛАР ЎЗ ЭГАЛАРИНИ КУТМОҚДА!



Иқтисодиёт ва ислоҳот

Дарҳақиқат, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда акциядорлик тижорат банклари қатори «Микрокредитбанк»нинг ҳам муносиб улуши бор.

МИКРОКРЕДИТЛАР АЖРАТИШ КЎПАЙГАЧ

мурожаат қилувчи мижозлар икки ҳиссага ошди, — дейди «Микрокредитбанк» Навоий вилоят филиали бошлиғи Юсуфжон Раҳимов.

Дарвоқе унинг бошқа банклардан фарқи турли микрокредитлар ажратиш ҳуқуқига эгалигидадир. Бунда кредит олувчининг ҳам, кредит берувчининг ҳам манфаатлари бир-бирига тўғри келсагина, амалий иш ижросига ўтилади.

Шартномада гаровга қўйилган мол-мулк, турмуш тарзи, моддий ва маънавий томонлар, банк эксперт-кредит қўмитасининг ижобий ёки салбий хулосаси, якуний таҳлили ифода этилади. Шу тариқа имтиёзли ёки узоқ муддатли кредит ажратишга киришилади.

«Микрокредитбанк»нинг Навоий вилоят филиали мижозлари сони кейинги уч йил мобайнида икки баробарга ошгани ҳам шундан. Ҳозирда унинг тасарруфидаги мижозлар 3400 тадан кўпроқдир. Филиалнинг айни вақтдаги ҳаракатдаги айланма маблағи 17 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг ўтган ўн ойида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига жами 11650,0 миллион сўмлик кредит ва лизинг хизматлари кўрсатилди. Бу саъй-ҳаракатлар туфайли жойларда 7497 та янги иш ўринлари яратилди. Масалан, Дилмурод Болтаев 40 миллион сўм микролизинг кредит эвазига «Томдиқурилиш» хусусий ишлаб чиқариш корхонасини очиб, 20 га яқин ёшларни иш билан таъминлади. Томдиликлар энди пишиқ ғишт излаб Навоий ёки Ғиждувонга бориб юришмайди. Ёки Расулжон Наимовнинг «Учқудуқ-сифат» хусусий корхонаси ҳам шу банкдан олинган кредит ҳисобига қурилиб, ҳозир 22 нафар йигит-қиз макарон ва турли печеньелар ишлаб чиқармоқда.

— Кредитлар ҳар хил бўлади, — дейди Қизилтепа туманидаги «Бахтинур-Дилнур тонги» хусусий корхонаси раҳбари Бахтиёр Нарзиев.

— Банкнинг микрокредит, микролизингга йўналтирилгани боис шу филиалга мурожаат қилдим. Режа ва шартномалар мос келгач, банк томонидан ажратилган 56 миллион сўмлик лизинг кредити эвазига хорижий тикув ва тўқув машиналарини турли омонат турларига жалб этиш йўлга қўйилган. Айниқса, «Омад», «Ҳомий», «Тадбиркор», «Истеъмол», «Нуроний», «Ёш оила» каби омонат турлари мижоз манфаатига батамом мос. Бундай фоизли омонатлар аҳоли бўш маблағларини банкка жалб этишда ниҳоятда қўл келмоқда.

Мухтасар айтганда, давр билан ҳамнафас «Микрокредитбанк» Навоий вилоят филиали жамоасининг фаолияти жойларда янги қурилишлар бошлашга, ободончилик ва бунёдкорликка, янги иш ўринларини яратишга қаратилган.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.


СПОРТ

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КУРАШЧИСИ»

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуида кураш бўйича Ўзбекистон кубоги беллашувлари ўтказилди. Унда тўрт юз нафардан зиёд полвон ғолиблик учун гиламга чиқди.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон кураш миллий федерацияси томонидан якунланаётган йил лауреатлари номлари эълон қилинди. Алушта (Украина)да ўтказилган VII жаҳон чемпионати олтин медали совриндори Шерали Жўраев (90 кг.) мамлакатимизнинг 2009 йилдаги «Энг яхши курашчиси» деб эътироф этилди.

Икки кун давом этган Ўзбекистон кубоги баҳслари якунида Ўктам Бобоев, Яҳё Имомов, Илҳом Жўраев, Фазлиддин Менглиев, Нурали Абдуллаев (барчаси Тошкент), Арслон Маҳмудов (Сурхондарё), Эшбой Иброҳимов (Самарқанд) бош совринга сазовор бўлишди.



Қизлар ўртасида ўтган беллашувлар ҳам муросасиз кечди. Унда Муқаддас Кубеева, Шоҳида Назарова, Ўғилой Назарова (Тошкент), Наргиза Ҳамдамова (Наманган), Дилдора Раҳмонова (Фарғона), Нодира Гулова ҳамда Мафтуна Эсонова (иккаласи ҳам Самарқанд)дан шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: *жаҳон чемпиони Шерали Жўраев.*

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1149
10280 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 22.20
Topshirilgan vaqti — 01.50
1 2 3 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda